БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 195 (11.944) | ЯКШАНБА СОНИ | 20 август 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Оҳангарон кўмир разрезининг кончилари янги ташаббус кўтариб чиқдилар. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига смена топшириғини бир соат аввал бажариш ва шундай қилиб бир йил давомида ҳар бир экскаваторнинг 900 минг тонна кўмир қазиб чиқаришига эришиш учун курашмоқдалар.

Разрез ишчилари КПСС XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Планга қўшимча равишда 90 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди. Ўзбекистон кочегаркасининг меҳнаткашлари съезд очиладиган кунгача яна 20 эшелон ёқилғи қазиб чиқариш мажбуриятини олдилар. Суратда: Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Николай Хорошилов (чапда) ва машинист-экскаваторчиси Хўжа Алиқулов ўртоқлар. Бу илғор кончилар бошчилик қилаётган коллективлар смена топшириқларини муттасил ошиғи билан бажаришади.

У. Усмонов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАККАЖЎХОРИНИНГ ҲОСИЯТИ КАТТА

Мамлакатимизда маккажўхори экинзорлари миллионлаб гектарни ташкил этади. Бу йил деҳқонларнинг бу экинга сарф қилган меҳнати яхши самара бериши кутилади. Украина, Кубань ва Сибирнинг, Поволжьенинг ва Қозогистоннинг қўриқ ерларнинг, Болтиқ бўйи ва Белоруссиянинг кўп районларидаги далаларда маккажўхори бақувват бўлиб ўсиб турибди. Бу йилги ҳосил дон етиштиришни кўпайтиришнинг ва жамоат чорвачилиги ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг асосий резерви бўлган бу ажойиб экин нақадар катта имкониятларга эга эканлигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларига амал қилиб, колхоз ва совхозларда қишлоқ меҳнаткашларини маккажўхори етиштиришга сафарбар қилиш соҳасида жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. «Дала маликаси» етиштирувчи бригадаларга ва механизациялаштирилган звеноларга энг яхши коммунист ва комсомоллар бошчилик қилдилар, кўп минглаб колхозчилар ва совхоз ходимлари мўл-кўл маккажўхори етиштириш учун умумхалқ юришига қўшилдилар. Ҳамма жойда маккажўхори экиш учун энг яхши ерлар ажратилди, экинзорларни парвариш қилишда илғор агротехника ва меҳнатни комплекс механизациялаш қўлланилди Деҳқонларнинг қаҳрамонона меҳнати ва ўсган маҳорати туфайли колхоз ва совхоз далаларида маккажўхори дони ва кўк поясидан мўл ҳосил етиштирилди Бу қишлоқ хўжалик ходимларининг жонажон партия XXII съездига тайёрлаган муносиб совғасидир.

Маккажўхори, — дейдн ўртоқ Н. С. Хрушчев, — **шундай бир экинки, бу экин туфайли биз чорвачиликни ривожлантиришдаги суръатларни тез жадаллаштира оламиз ва чорвачилик маҳсулотларини зарур бўлган миқдорларда етиштира оламиз.**

Ҳосил етиштирилди. **Эндиликда, асосий жанговар вазифа — дон ва силос учун етиштирилган маккажўхорини ўз вақтида йиғиштириб олиш, чорвачиликни озуқа билан таъминлашдан иборат.**

Украина галлакорлари дон етиштиришни кўпайтириш ички резервидан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар. Улар маккажўхори экинларини 7.3 миллион гектаргача кенгайтирдилар. шу билан бирга республикада қарийб тўрт миллион гектар ердаги ҳосил дон учун йиғиб олинади. Маккажўхори экинзорлари яхши ишланган ва жуда яхши аҳволда. Украина бир миллиард пуддан ортиқ маккажўхори йиғиб олиш ва давлатга 450-460 миллион пуд дон сотиш имкониятига эга.

Бутун мамлакатга донги кетган Тошкент областидаги «Политотдел» колхозининг аъзолари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда намуна кўрсатмоқдалар. Бу колхоз меҳнаткашлари бу йил ҳар гектардан 1.900 центнердан кўк поя етиштиришга ваъда берган эдилар. Улар ўз ваъдаларини шараф билан бажардилар. 331 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1.967 центнердан думбул сўтали маккажўхори кўк пояси олинди. Илғор колхознинг муваффақияти маккажўхори учун энг зўр маҳсиядир, бу ҳосилга экиннинг бигмас-туганмас имкониятларини кўрсатувчи далилдир.

Ҳозир Россия Федерацияси жанубий ва марказий районларининг кўпчилигида мўл ҳосил етилмоқда. Бу йил Кубань ва Дон меҳнаткашлари Ватанга анча кўпроқ маккажўхори дони бердилар. Ставрополь ўлкасида комсомол-ёшлар звеноларининг кучи билан 400 минг гектар ерда шу қимматли экин етиштирилмоқда. Кочубей районидаги Чапаев номли колхоздан Нина Працун звеноси дастлабки маълумотларга кўра, ҳар гектардан 120 центнергача сўта етиштирган. Новоалександровский районидаги «Россия» колхозидан Виктор Букин ва Темиржбек совхозидан Анатолий Чалай звеноларининг участкаларида мўл ҳосил етилди. Белоруссиянинг донгдор механизатори Геннадий Жудронинг участкасида бу йил гектаридан 40 центнердан қуруқ дон олинишга кутилади. Шу ерларда бундай натижага ҳали ҳеч ким эришгани йўқ эди!

Мамлакатнинг жанубидаги кенг экинзорлардан ҳосилни ўриб олишга киришилгани ҳақида дастлабки хабарлар олинди. Қимматли кўпгина механизаторлари техникадан моҳирлик билан фойдаланиб, унумли меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Октябрь районидаги Ленин номли колхозда механизатор Николай Кун «Херсонец» ксмбайнида кунига 7.5 гектар ердаги маккажўхорини йиғиштириб олмоқда. Киров районидаги «Красний луч» колхозидан комбайнчилар М. Харьковский ва М. Забатига кунига икки норма бажармоқдалар.

Украинада, Шимолий Кавказда ва мамлакатнинг бошқа районларида маккажўхори ўрим-йиғимининг ёппасига авж олдирилишига оз вақт қолди. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг эътибори ҳозир зўр куч ва ғайрат сарфлашни талаб қиладиган бу мураккаб ва масъулиятли ишга тайёргаолиқини тезроқ тугаллашга қаратилиши лозим. Бу йилнинг хусусияти шуки, кўп районлар жуда катта майдонларда маккажўхорини дон учун биринчи марта йиғиб оладилар. Бу экиндан кўпроқ ҳосил олиш учун кураш муваффақиятини механизация ҳал қилади.

Қишлоқ меҳнаткашлари маккажўхори йиғимини ҳаққоний равишда иккинчи ўрим-йиғим пайти деб атайдилар. Илғор хўжаликлар ва районлар бу пайтни шайланган ҳолда кутиб олмоқдалар. Улар маккажўхори йиғиштирадиган машиналарнинг ҳаммасини ремонтдан чиқардилар, ҳар бир агрегатни гажрибали механизаторларга бириктириб қўйдилар, транспорт воситаларини ва омборларни тахт қилиб қўйдилар. «Правда» мухбирининг хабар беришича, Днепропетровск областининг галлакорлари бутун ҳосилни партия XXII съезди очилишигача йиғиб олишга қарор қилдилар. Бу область далаларида маккажўхори йиғиштирадиган 2.5 мингдан ортиқ машина ишлайди. қайта мослаштирилган бир ярим минг галла комбайни маккажўхори далаларига чиқарилади

Лекин ўрим-йиғим ишларининг муҳим даврига ҳамма жойда ҳам шундай тайёргарлик кўрилган деб бўлмайди. Бу қимматли экин ҳосилининг тақдири учун юксак масъулиятни ҳамма раҳбарлар ҳам сезаётгани йўқ. Украинада маккажўхорини йиғиб олишда 20 мингдан ортиқ махсус комбайн ва қайта мослаштирилган камида уч минг галла комбайни ишлаши керак. аммо у ерда машиналар ремонти ҳали тугалланмаган Николаев областида маккажўхори сўтаси думбул бўлиб қолган. бироқ бу ерда ҳам комбайнларнинг ҳаммаси тўла равишда тахт қилиб қўйилмаган. Варваров ва Березнеговат районларида комбайнлар паркининг ярмиси ҳали ремонтдан чиқарилмаган. Запорожье. Одесса, Херсон, Кировоград. Луганск областлари маккажўхорини йиғиштириб олишга бошқа областлардан кўра олдинроқ киришадилар. лекин бу ерда юзлаб комбайнлар далага чиқариш учун тахт қилиб қўйилмаган. Саратов областида машиналар ремонти кечикиб кетган, ҳолбуки бу областда бу йил биринчи марта 400 минг гектардан кўпроқ майдондаги маккажўхори ҳосили дон учун йиғиб олиниши керак.

Йиғим машиналарини ремонт қилишдаги қолоқликка энг қисқа муддат ичида хотима берилиши лозим Маккажўхори йиғимига техниканы тайёрлашнинг боришини доимий контроль остига олиш партия ташкилотларининг бурчидир. Мастерскойларга энг тажрибали механизаторларни, малакали ремонт ишчиларини юбориш керак. Маккажўхори йиғимининг оммавий бошланишига қадар бирорта ҳам агрегат усадьбаларда қолмаслиги керак. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда маккажўхори йиғиштирадиган махсус техника ҳали етарли эмас. Шу сабабли оддий комбайнлар ёрдами билан маккажўхорини дон учун муваффақиятли йиғиб олаётган илғор механизаторларнинг тажрибасини кенг ёйиш айниқса муҳимдир. Галла комбайнларини қайта мослаштириш унчалик қийин эмаслигини ва қўшимча маблағ сарфлашни талаб этмаганлигини йиғим усталарининг тажрибаси кўрсатиб турибди. Мавжуд техниканинг ҳаммасидан барча экинзорларда моҳирлик билан фойдаланиш ўрим-йиғим муддатларини қисқартиришга, ҳосилни нобуд қилмасликка, ҳар гектардан энг кўп дон йиғиб олишга имкон беради

Бу йил колхоз ва совхозларда ўтган йилларда сотиб келганига қараганда анча кўпроқ маккажўхори дони тайёрлаш имконияти бор. Бу эса етиштирилган бутун ҳосилнинг тўла сақланиши учун тайёрлаш ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг масъулиятини оширади. Киев область. Ставищенский райони қишлоқ хўжалик меҳнаткаллариниг ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш керак. Улар мўл ҳосил етиштириш билангина қолмай, уни тўла сақлаб қолиш ҳақида ҳам яхши ғамхўрлик қилганлар. Бу ерда эски омбор ва сушилкаларни ремонт қилишга ҳамда уларнинг янгиларини қуришга кўплам пайтидаёқ киришганлар. Районнинг ҳар бир хўжалигида ҳозир маккажўхори омборлари тўла ремонтдан чиққан, қўшимча омборлар қурилиб бўлаётир.

Бироқ, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолишга бепарво қараш фактлари ҳам учрайди. Масалан, неча ўн миллионлаб пуд маккажўхорини қабул қилиб олиши лозим бўлган Кубанда мавжуд омборлар ҳосилнинг кўп деганда ярмисини сиғдира олади Йил бошида бу ерда 350 минг тонна ҳажмли янги омборлар қуриш мўлжалланган эди, бироқ ҳозирча атиги 5.5 минг тонна ҳажмдаги биноларгина фойдаланишга топширилган Маккажўхорини қабул қилиб олиш учун асфальт ётқизилган майдончалар қуриш планининг учдан бир қисми бажарилди, холос. Янги омборларни ишга туширишни муддатлари асосан «Севкавзаготстрой» трестининг айби билан бузилмоқда Шуниси қизиккн. бу трест бирорта ҳам тайёр объектни ишга туширмагани ҳолда маблағларни ўзлаштириш юзасидан биринчи ярим йиллик планни ошириб бажарган. РСФСР Тайёрлаш министрлигининг пунктларни ва элеваторларни маккажўхори дони қабул қилишга тайёрлашдаги қолоқликка бепарво қараб келаётгандиги тушуниб бўлмайдиган бир ҳолдир. Ваҳоланки, Краснодар ўлкаси — ўнлаб ўлка ва областларга уруғлик етказиб берувчи асосий ўлкадир.

Колхоз ва совхозлар бу йил силос учун маккажўхорини йиғиштириб олиш юзасидан катта иш қилишлари керак. Мамлакатнинг кўпгина районларида силос тайёрлаш ғизғин бораётир Дастлабки ўн минглаб гектар ердаги маккажўхори ўриб олинди, чорва мол учун юз минглаб тонна қимматли озуқа тайёрланди. Гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш манфаатлари маккажўхоридан етиштирилган бутун ҳосилнинг ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиб олинишини талаб қилади.

Коммунистик партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида тинмай қилаётган ва ҚПСС Программаси проектида чуқур ифодасини топган ғамхўрлиги маккажўхорикорларнинг кўп минг қишлиқи армиясини, дала ва фермаларнинг ҳамма механизаторларини деҳқончилик ва чорвачликни юксалтириш учун, мамлакатимизда маҳсулотларни мўл-кўл қилиш учун курашда янада катта муваффақиятларга илҳомлантирмоқда.

(«ПРАВДА»нинг 19 август даги бош мақоласи).

ПРОПАГАНДИСТ ХОДИМЛАР СЕМИНАРИ

Пропагандист ходимларнинг Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан чақирилган ҳамда КПСС Программаси ва Устави проектларини пропаганда қилишга бағишланган тўрт кунлик семинар — кенгаши ўз ишини тамомлади. Семинарда қатнашган область, шаҳар ва район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, доимий ишловчи ва назарий семинарларнинг раҳбарлари КПСС Программаси ва Устави проектларининг айрим қоидалари бўйича лекциялар циклини тингладилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия олий мактаби сиёсий иқтисод кафедраси мудирининг ўринбосари иқтисод фанлари кандидати В. Г. Лопаткиннинг «КПСС Программаси социалистик ижтимоий муносабатларнинг астасекин коммунистик ижтимоий муносабатларга айланиб бориши тўғрисида», КПСС Марказий Комитети бўлимининг референти В. А. Крючковнинг «Жаҳон социалистик системаси», СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти бўлими мудирининг ўринбосари тарих фанлари кандидати Г. И. Мирскийнинг «Ҳозирги босқичда миллий-озодлик ҳаракати», КПСС Марказий Комитетининг ходими Ф. И. Долгихнинг «Давлат тўғрисидаги таълимот», СССР Фанлар академияси Экономика институтининг илмий ходими тарих фанлари кандидати И. А. Анчишкининг «Саноатнинг ривожланиши ва унинг коммунизм ишлаб чиқарувчи кучларини вужудга келтиришдаги роли», СССР Госплани кичик бўлимининг бошлиғи В. Ф. Павленконинг «КПСС янги Программасининг проектида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалалари», Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамиятининг лектори А. Г. Максимовичнинг «Халқаро аҳвол тўғрисида», Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори М. Ғ Вахобовнинг «Коммунизм қурилиши даврида миллий муносабатларга доир масалалар», Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ходими Л. Л. Шабшайнинг «КПСС нинг янги Устави проекти тўғрисида», Тошкент алоқа институтининг доценти С. Я. Свирскийнинг «Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партиянинг роли» деган лекциялари тингланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари пропагандистик иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Семинар-кенгашнинг якунловчи машғулотида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З Р Раҳимбобоева нутқ сўзлаб, КПСС янги Программасининг проекти талаблари асосида партия ташкилотлари олиб борадиган идеология ишлари соҳасидаги вазифаларга тўхталди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди. (ЎзТАГ).

Кечки хабарлар

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ президенти Кеннеди мудофаа министрлигининг тинчлик даврида энг катта бюджети ҳақидаги қонун проектини бугун имзолади. Шу молия йилида мудофаа министрлиги эҳтиёжларига ҳарбий мақсадлар учун 46,7 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Президент Кеннеди Америка пропагандаси томонидан сунъий равишда вужудга келтирилган «Берлин кризиси» муносабати билан ўтган ойда талаб қилган 3,5 миллиард доллар миқдоридаги қўшимча ҳарбий ажратмалар ҳам шу ҳисобга киради.

ВАШИНГТОН. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Салинжер АҚШ вице-президенти Л. Жонсон президент Кеннединиг шахсий вакили сифатида бугун Гарбий Берлинга ва Боннга учиб кетади, деб эълон қилди.

ПАРИЖ. «18 августга ўтар кечаси Тулузанинг марказида, Юқори Гаронна социалистик партияси федерацияси ва испан эмигрант социалистларининг бир неча ташкилоти жойлашган бино олдида бомба портлади». — деб ёзади бугун «Юманите» газетаси фашистларнинг бебошлиги ҳақида хабар бериб.

Портлаш натижасида анча зарар етказилди. Атрофда бир неча ўнлаб метр масофадаги биноларнинг дераза ойналари синди.

Франция Коммунистик партиясининг Юқори Гаронна федерацияси бюроси норозилик билдирди ва социалистик партия федерацияси билан алоқа боглади. Компартия федерациясининг бюроси барча меҳнаткашларни ва республикачиларни ҳушёр бўлишга даъват этади.

(ТАСС).

КПСС XXII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

☆ ☆

БЎРДОҚИЧИЛИК БАЗАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЮТУҒИ

ҒИЖДУВОН. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Бу ерда ўтган йили май ойида чорва молларини бўрдоқига боқиш колхозлараро база ташкил қилинган эди. Райондаги тўққиз колхозга хизмат қилаётган бўрдоқичилик базаси шу вақтдан бери қишлоқ хўжалик артелларидан 1900 бош қорамолни қабул қилиб олди ва бунинг 1600 гасини боқиб семиртириб, гўштга топширилди.

База коллективи КПСС XXII съезди шарафига мусобақани кучайтириб. ишда ой сайин яхши натижаларга эришмоқда. Молларни семиртириш ҳисобига салкам олтмиш тонна гўшт етиштирилди. Ҳар бир килограмм гўштнинг таннархи пландаги 50 тийин ўрнига 32 тийинга тушди.

Илғари колхозлардаги бўрдоқи пунктларида молларни боқиб семиртириш билан 103 киши банд бўлар эди. Ҳозир колхозлараро бўрдоқичилик базасида фақат 12 киши ишлаяпти. Райкомнинг собиқ инструктори Исроил Ҳамроев мудир, олий маълумотли Акрам Қодиров зоотехник бўлиб ишламоқда. Базада 4 киши мол боқиш бригадири. Улар молларни яхши семиртириб, маҳсулот сифатини оширмоқдалар. Шу билан бир қаторда. колхозларга катта фойда келтирмоқдалар.

—Бўрдоқичилик базаси коллективи. — деди Исроил Ҳамроев,— ем-хашак ва концентрат озуқаларни тежаб-тергаб сарфлаш, боқилаётган молларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилиш туфайли ўтган ойда эллик минг сўм фойда берди. Калинин номли колхоздан қабул қилиб олинган 127 бош молнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 63 килограммдан гўштига гўшт қўшди. Рауф Қодиров боққан молларнинг ҳар қайси кунига салкам бир килограммдан семирди. Коллективимиз кейинги кварталда ҳар бир молнинг тирик вазнини нормадаги 220 килограмм ўрнига 263 килограммдан бўлишини таъминлади.

Колхозлараро бўрдоқичилик базаси келгусида янада кенгайтирилади. Шу муносабат билан Зарафшон дарёси қирғоқларидан 100 гектар қўриқ ва бўз ер ажратиб берилди. Шундан 72 гектари бу йил ўзлаштирилди. Бунинг 63 гектарига маккажўхори ва 12 гектарига беда экилди, Иноят Азаматов бошлиқ маккажўхорикор бригада иккита «ДТ-28» трактори билан ўтган ойда талаб қилган 3,5 миллиард доллар миқдоридаги қўшимча ҳарбий ажратмалар ҳам шу ҳисобга киради.

КОМИ АССРНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коми АССР ташкил топган кунининг 40 йиллиги муносабати билан республиканинг ишчиларига, колхозчиларига, зиёлиларига, барча меҳнаткашларига самимий табриклар йўлладилар.

Табрикномада таъкидлаб ўтиладики, Улуг Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг натижасида Коми АССР меҳнаткашлари чинакам озодликка эга бўлдилар, асрий қолоқликка ва қашшоқликка умрбод барҳам бердилар. Республика меҳнаткашлари Совет ҳокимияти йиллари мобайнида, мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошлик ёрдами билан хўжалик ва маданий қурилишда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коми АССР меҳнаткашлари коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш йўлида бундан буён ҳам зўр бериб астойдил курашаберадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюроси, Россия Федерацияси Олий Советининг Президиуми ва РСФСР Министрлар Совети шонли воқеа — Коми АССР ташкил топган кунининг 40 йиллиги муносабати билан республика меҳнаткашларини самимий табриклади-лар. (ТАСС).

ЕТТИ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

— Етти йиллик топшириқни уч ярим йилда бажараман.

«Узбекхиммаш» заводининг илғор фрезировкачиси Адис Габбасов бундан икки йил аввал «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган фахрли номга сазовор бўлиш учун социалистик мусобақага кўшилганида шундай деган эди. Коммунист ўртоқ Габбасов ўз сўзининг устидан чиқди. КПСС XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган ватанпарвар ишчи ҳозиргача 7.2 йиллик топшириқни бажарди. Ўртоқ Габбасов ташаббус билан, ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқда.

Ахтив рационализатор Адис Габбасов кимё ускуналари деталларини ишлашнинг баъзи янги усулларини таклиф қилди. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди. У ғайкаларни бир вақтнинг ўзида ишловчи мосламанинг ва янги қирқиш инструментининг автори-дир.

Ўртоқ Адис Габбасов жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Яқинда ўртоқ Адис Габбасовга «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган фахрли ном берилди.

Суратда: А. ГАББАСОВ. Текст ва фото О. Левакники.

Республикамиздаги юзлаб механик-ҳайдовчи хотин-қизларнинг карвонбошиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова яқинда янги ташаббус бошлаб берди. Унинг бригадаси, шунингдек, Пискент районидаги Тельман номли колхозининг Ҳаким полвон Қодиров бошлиқ бригадаси москваликларнинг жаҳонда энг аъло сифатли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисидаги чақириқларига қўшилиб, далаларда етиштирилаётган «оқ олтин»нинг камида 80-85 процентини давлатга биринчи сортга сотиш мажбуриятини олдилар. Давлатга қанча кўп сифатли пахта топширсак, пишиқ ва нафис кийимлар шунча кўпаяди.

Турсуной Охунова эртага республикамиз пойтахти Тошкентда очиладиган ёш механизаторларнинг республикалараро слётини пахта йиғим-теримида пихта тайёргарлик кўрган ҳолда кутиб олмоқда. Унинг бригадасида ҳосилнинг ҳаммаси машинада териб олинади. Турсуной бу йилги мавсумда 350 тонна «оқ олтин» териш учун «ХВС-1,2» маркали терим машинасини созлаб қўйди. СУРАТДА: Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган механизатор Турсуной ОХУНОВА.

Р. Сироткин фотоси.

XXII СЪЕЗДДАН МАНЗАРАЛАР

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

САНОАТГА РАҲБАРЛИК ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛСИН

Икки кун давом этган Марғилон шаҳар партия ташкилотининг конференцияси қатнашчилари Фарғона область партия комитетининг секретари С. Расуловнинг КПСС Программа проекти, шаҳар партия комитетининг секретарлари Р. Лянинг КПСС Устави проекти, С. Козимовнинг шаҳар партия комитетининг ҳисоботи тўғрисидаги докладларини эшитдилар ва муҳокама қилдилар.

Биринчи масала юзасидан сўзга чиққан 1919 йилдан буён КПСС аъзоси А. Забралов КПСС Программаси мамлакатимизда коммунизм қуриш программаси эканлигини айтди.

— Биз, — деди у, — партия раҳбарлигида шаҳдам қадамлар билан коммунизмга боряпмиз. Ҳеч ким, ҳеч қандай куч совет халқини бу йўлдан қайтара олмайди. Америкалик корчалонлар шуни билиб қўйсинларки, совет кишилари ҳар қандай олижаноб ишларга қодир, зарур бўлиб қолса кўкрак кериб она-Ватанини ҳимоя қилади.

— Пиллакашларимиз, — деди Куйбишев номли ипак комбинати пиллакашлик фабрикаси партия ташкилотининг секретари Ф. Ғафуров, — КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қувонч билан қутиб олдилар. Бу тарихий ҳужжатлар меҳнаткашларни янгидан-янги ғалабаларга илҳомлантирди. Биз ўз мажбуриятларимизни қайта кўриб чиқдик, съезд очилиши кунигача 10 ойлик топшириқни бажардик, пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Олинган социалистик мажбурият албатта бажарилади.

«Байналмилал» фабрикасидаги коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи В. Қобилова, ипак комбинатининг директори Ғ. Муҳаммедов, Горчакова темир йўл станцияси партия бюросининг секретари Н. Медведов ва бошқа ўртоқлар КПСС Программасида халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари илмий-назарий асосда ва амалий жиҳатдан ёрқин акс эттирилганлигини, Уставда партиямизнинг бузилмас қонуни тўла тасвирланганини айтиб, ўз мулоҳазаларини айтдилар. Делегат Ф. Ғафуров **КПСС Уставига меҳнатда шижоат кўрсатиб, мамлакатимизда коммунизм қурилишига катта ҳисса қўшаётган кишиларни партияга қабул қилишда кандидатлик муддатини қисқартиришни,** А. Шаповалова **КПСС Программаси проектига хотин-қизларга феодал-бойларча муносабатда бўлиш ҳолларини таг-томири билан тугатиш масаласини,** Г. Забежаев **Программа проекти кириш қисмининг охирги абзацига «Дўстлик» сўзини қўшишни таклиф қилдилар.**

Конференция қатнашчилари бу таклифларни муҳокама қилиб, маъқул топдилар. **Делегатлар КПСС Уставининг 10 параграфи биринчи абзацини бошқачароқ қилиб, «Шаҳар ва район партия комитетлари» деган сўзни қўшишни, 58 параграфнинг «Г» пунктидаги «ғамхўрлик» сўзини «таъминлаш» сўзи билан алмаштиришни, Устав проектига маъмурият хўжалик фаолиятини назорат қилувчи партия контроль комиссиялари ҳақида алоҳида пункт киритишни таклиф қилдилар.**

Конференцияда ҳар иккала масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

— Ҳисобот даврида, — дейди докладчи С. Козимов, — саноатга раҳбарлик анча яхшиланди. Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари саноат ва унда ишлаётган кишилар билан яқиндан шуғуллана бошлади. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида шаҳардаги 17 саноат корхоналаридан 12 таси ўз устига олган социалистик мажбуриятларини тўла бажарди. Пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги ортди. Тўқув-галантерея фабрикаси, Марғилон машина-экскаватор станцияси, Сталин номли, Киров номли фабрикалар, Горчакова темир йўл станцияси ва бошқа саноат корхоналарининг коллективлари янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Ҳамма саноат корхоналарида коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун кураш тобора қизитилмоқда. 471 бригада, 16 цех ва 998 киши бу шарафли номга муяссар бўлди. Бу улуғвор ҳаракатда 8616 киши фаол қатнашмоқда. Саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Докладчи ва музокарага чиққан делегатлар саноат корхоналари партия ташкилотлари ишидаги муваффақиятларни кўрсатиш билан бирга бу соҳадаги жиддий хато ва камчиликларни очиб ташладилар.

Музокараларда қатнашган делегатлардан А. Қозоқов, П. Мирзаева, Ҳ. Маҳмудов, М. Мансуров, А. Ёқубов, Н. Никитина, Т. Ҳасанов, Д. Гурьев ва бошқа ўртоқлар ҳисобот даврида олиб борилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапирдилар.

* * *

Биринчи ташкилий пленумда С. Козимов, Р. Лян ўртоқлар шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайланди.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС Устави проектини зўр завқ ва шавқ билан ўрганмоқдалар Суратда: граждан ҳаво флотининг қисмларидан бирида учувчилардан (чапдан ўнгга): Г. Пинеевич, В. Финаев, М. Файзулов, Э. Балаян, ва В. Маренко ўртоқлар КПСС Устави проектини ўрганяпти-лар.

Шамсиддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАРЧА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШДА, ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШИ, ДАВЛАТ АППАРАТИ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ХАЛҚ КОНТРОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ — АНА ШУЛАР КОММУНИЗМ ҚУРИШ ДАВРИДА СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИДИР.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ

Ўзбекистон пойтахтининг партия ташкилотларида КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш авж олдириб юборилди. Коммунистлар ана шу тарихий ҳужжатларни якдиллик билан маъқуллаб, коммунистик қурилиш суръатларини жадаллаштириш, партиянинг ташкилий ва идеологик ишлари савиясини янада оширишга қаратилган таклифларни айтмоқдалар. Бир қанча коммунистлар проект текстларига тузатиш ва қўшимчалар киритмоқдалар.

Тўқимачилик институти партия бюросининг секретари Ғ. Пўлатов айтдики, КПСС Программаси проектининг «Советлар ва давлатни бошқаришнинг демократик принципларини ривожлантириш» бўлимида **совет аппарати фаолиятидаги бюрократизмга қарши курашга оид қоидани кучайтириш керак.**

Ғ. Пўлатовнинг фикрича, Программа проектининг идеология, тарбия, таълим, фан ва маданият соҳасидаги партиянинг вазифаларини баён қиладиган бўлимида диний сарқитларни бартараф қилиш юзасидан талаблар етарли даражада аниқ ифодаланмаган. У мавжуд қоидага қўшимча қилиб, **партия ташкилотларини дин ҳақидаги совет қонунларини сўзсиз бажаришга даъват этиш керак,** деди. Бу таклифга далил қилиб, ҳозир черков ходимлари бир қанча ҳолларда мавжуд қонунларни бузганлари ҳолда жазосиз қолмоқдалар, деди.

1-пойафзал фабрикаси партия бюросининг секретари И. И. Кожевников КПСС Программаси проектида баён қилинган коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексида оилага ва болалар тарбиясига муносабат ҳақидаги тезисни аниқ ифодалаш керак, деди. И. И. Кожевников **партия, совет жамияти онлани бузадиган, ўзларининг ота-оналик бурчларига эътиборсизлик билан қарайдиган кишиларни қаттиқ қоралаётганини таъкидлаб кўрсатишни** таклиф қилади.

Тошкент шаҳар Октябрь район партия ташкилотларида КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш вақтида коммунистлар меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга оид масалалар юзасидан бир қанча таклифлар киритдилар. Жумладан, инженер Б. М. Ганденьсман бундай таклиф киритди: **Мактаб ёшидаги болаларга шаҳар транспортининг трамвай, троллейбус, автобус сингари воситаларидан бепул фойдаланиш имконини ҳозироқ бериш мумкин.** (ЎзТАГ).

Маъмурчилик йўлида

М. ХВАН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Политотдел» колхозининг раиси.

Ўзбек қишлоқларида меҳнат жўшқинлиги ва сиёсий кўтаринкилик ҳеч қачон мана шу кунлардагидек авж олмаган эди. Партиямиз Программаси проектини ўрганар экансан, кучингга куч, ғайратингга зўр ғайрат бўшилганлигини, фикр ва ҳисларинг тўлибтошганлигини сезасан. Бизни қандай бахтли, порлоқ келажак кутяпти! Колхозчиларимизнинг кайфияти яна шунинг учун яхшики, улар бу йил ҳосил нақадар мўл бўлишини яққол кўриб турибдилар. Яхши ҳосил етиштирилди.

Колхозчиларимиз пахта сотиш планини партиянинг тарихий XXII съезди очиладиган кунгача, мажбуриятларини эса Улуғ Октябрь байрамигача бажаришни олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олишга қарор берилди.

Колхоз меҳнаткашлари бу йил пахтадан бошқа яна бир қимматли техника экини бўлган канопдан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Дастлабки бир неча ўн гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосил бултургидан анча юқори. Гектаридан 200 центнердан зиёдроқ каноп пояси олинади. Социалистик мажбуриятни ошириб бажарамиз.

Никита Сергеевич Хрушчев қишлоқ хўжалик илғорларининг Олмаотада бўлган зонал **кенгашида** маккажўхорикорларимизнинг ишига юксак баҳо берди. Шу билан бирга у бизни огоҳлантириб, маккажўхори кўчатини қалин қолдириш йўлидан бормаслик керак. Шундай қилиш керакки, гектаридан олинадиган кўк поя ҳам, сўта ҳам мумкин қадар кўпроқ бўлсин, деди. Н. С. Хрушчевнинг маслаҳатига мувофиқ, колхозда маккажўхори кўчатларини турли схемалар бўйича жойлаштириб, тажриба ўтказилди. Биз 80Х80 ва 90Х90 схемалари барча схемалардан энг яхшиси эканлигига шу йилнинг ўзидаёқ ишонч ҳосил қилдик. Далаларга маккажўхори шундай усулда экилдики, бунинг натижасида колхозчилар энг кўп миқдорда кўк поя олибгина қолмасдан, балки юқори сифатли сўта ҳам олдилар. **Бу маккажўхорикорларга ўз сўзларининг устидан чиқиш имконини берди. 331 гектар майдоннинг ҳар гектаридан думбул сўта-си билан 1967 центнердан кўк поя олинди. Колхоз 240 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50-60 центнердан гибрид маккажўхори уруғи етиштирди, жами эса 1300 тоннагача дон олади.**

Ўзбекистон етиштирган «оқ тишсимон» деган янги нав маккажўхори етиштиришни кўпайтиришда бизга кўл келди. Бу ажойиб сорт энг кўп кўк поя ва дон беради. Суғориладиган деҳқончилик шароитида маккажўхори сортларидан энг яхшиси шу сортдир. Бу сортга далаларимизда кенг йўл бериш керак.

Дондор колхозчимиз Люба Ли жуда яхши меҳнат қилди Бахорда унинг бригадаси етти йилликнинг учинчи йилида гектаридан 1900 центнердан кўкпоя етиштирамиз деб юксак мажбурият олган эди. Аҳил коллективнинг фидокорона меҳнати туфайли катта ғалаба қозонилди. Ҳар гектар ердан думбул сўтаси билан 1967 центнердан кўк поя олинди—мажбурият ортиги билан бажарилди.

Чорвадорларимизнинг ишлари ҳам чакки эмас. Йил бошидан буён етти минг центнерга яқин сут соғиб олинди, давлатга сут сотиш йиллик плани 70 процент бажарилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 1500 центнердан кўпроқ гўшт етиштирилди, йиллик планга мувофиқ 1929 центнер гўшт етиштириш керак. Пилла сотиш йиллик плани 117 процент, ғалла сотиш плани 120 процент, тухум сотиш йиллик плани 233 процент бажарилди

Колхозимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтирмоқда. Ваҳоланки, колхоз бундан етти йил муқаддам райондагина эмас, областда ҳам колоқ хўжаликлардан бири эди. Бизни равшан ва аниқ иш тутишнинг программаси деган қуроллантирган КПСС Марказий Комитетининг тарихий сентябрь Пленуми бўлиб ўтган 1953 йил мамлакатимизнинг бутун қишлоқ хўжалиги учун бўлганидек бизнинг колхозимиз учун ҳам бурилиш йили бўлди.

Қишлоқ хўжалик артелимиз ҳаётида бунчалик қисқа муддатда юз берган бу қадар зўр ўзгаришлар тасодифий эмас, балки коллектив хўжаликнинг замиридаги имкониятлардан тўғри фойдаланишнинг натижасидир. Биз муваффақият қозонганимизнинг ва кун сайин муваффақият қозонаётганимизнинг асосий сабаби шундаки, артелнинг ҳар бир аъзоси колхозни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, ўз меҳнатининг натижасидан чуқур манфаатдордир.

Колхоз партия ташкилоти ва колхоз правлениеси даставвал ўз ишини хусусий мулкчилик майилларига ва текинхўрликка қарши курашдан бошлади. 1953 йилда колхозчиларнинг томорқалари ҳаддан ташқари катта эди. Умумий мажлис ортиқча ерларни жамоат фондига қайтаришга қарор қилди. Келгуси йил об-ҳаво шароити жиҳатидан жуда оғир йил бўлишга қарамай, кескин бурилиш юз берди. Колхозчиларнинг меҳнат унумдорлиги анча ортди.

Жамоат хўжалиги ривожланиши билан бирга колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ҳам ошди. Биз қисқа вақт ичида 240 та яхши уй қуриб олдик, водопровод ўтказдик, посёлкани радиолаштирдик ва қисман газлаштирдик, намунали янги болалар боғча ва яслилари, касалхона, дорихона қурдик. Ҳозир мактаб-интернат ва Маданият уйи қурилиши тугалланай деб қолди.

Артель бултур 59,2 миллион сўм (эски пулда) даромад қилди. Колхозчилар даромадининг анчагина қисмини жамоат фондларини мустаҳкамлашга ажратамиз деб бир овоздан қарор қабул қилдилар. Колхозда дала ишларидаги кишиларга бепул овқат берилади. Колхозчиларнинг болалари боғча ва яслиларда бепул овқатланади.

Колхозимиз аъзолари томорқа участкаларидан аллақачон воз кечишган, улар ўз хўжаликларида мол боқишмайди. Бу, колхозчиларни уйдаги машаққатли меҳнатдан ғутқарди. Гўшт, сут, сабзавот, картошка, мева-чева колхозчиларнинг уйларига уларнинг талабларига мувофиқ етказиб берилади Колхозчиларнинг ҳаммаси учун бепул овқатланадиган жамоат ошхонаси очиладиган кун ҳам узоқ эмас.

Жамоат хўжалигини ривожлантиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигининг тобора ўсаётганлиги ажойиб самара бермоқда, янги меҳнат қаҳрамонликларини туғдирмоқда.

КПСС Программасининг проектида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан катта вазифалар қўйилган. Ана шу вазифалардан энг муҳими — энг оз меҳнат сарф қилган ҳолда ҳар гектар ердан энг кўп маҳсулот олишдир. Бу вазифани бажаришда деҳқончилик маданияти, тўғри алмашлаб экишни жорий қилиш, сер маҳсул экинларни ва юқори ҳосилли сортларни экиш катта роль ўйнайди.

Экинларни пухта планлаштирмаслик кўпинча алмашлаб экишнинг жорий этилишига тўсқинлик қиладн. Планлаштириш органларининг баъзи бир ходимлари бу йилги топшириқларигина кўзда тутиб, эртага нима бўлишини ҳисобга олмай, ишга ҳамма вақт ҳам ижодий ёндашавермайдилар Экин майдонларини планлаштириш масалаларида хўжаликларнинг раҳбарларига катта ташаббус кўрсатиш ва мустақил иш кўриш имкониятларини бериб қўйиш вақти келди Ахир, давлат ва хўжаликнинг кўпроқ фойдасини кўзлаб қандай оқилона йўл тутиш бизга ўз жойимизда равшанроқ-ку.

Турмушнинг ўзи тарқибида кўплаб оқсил модлалари бўлган ҳашаки дуккакли экинларни етиштириш масаласини қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг олдига муҳим вазифа қилиб қўйди. Суғориладиган деҳқончилик шароитида ҳам ҳашаки дуккакли экинлар иқтисодий жиҳатдан жуда самаралидир. Соя сингари қимматли дуккакли экин тўғрисида гапирмасдан иложимиз йўқ. Соя гўштнинг ўрнини босади. Ёр юзидаги аҳолининг ярмиси, жумладан, Шарқий Осиё ва Ҳиндистон аҳолиси соядан тайёрланган таомларни кенг истеъмол қиладилар. Бундан ташқари соя тупроқнинг маҳсулдорлигини оширади. Соянинг пояси ва кунжараси молга жуда тўйимли озуқадир. Мирзачўлда сояни кенг парвариш қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш керак.

Қишлоқ меҳнаткашлари фаннинг қудратли кучига ишонадилар. Республикамизнинг олимлари кўпгина фойдали тавсияларни ишлаб чиқдилар. Улар ўзларининг илмий муваффақиятларини амалга оширишда кўпроқ қатъият кўрсатишлари керак. Ахир, баъзи бир олимлар ўз илмий ишлари тўғрисида журналда ёки бюллетенда маълум қилиш билан иш битди деб кифояланиб қолишлари сир эмас-ку.

Колхоз деҳқонлари келажакка ишонч билан қарамоқдалар Қишлоқ меҳнаткашлари хўжаликни фан ва илғор тажриба эришган муваффақиятлар негизида бошқариб, дон, пахта ва бошқа маҳсулотларни йил сайин кўпайтириш, жамоат чорвачилигини ҳар тараф-лама ривожлантириш учун интилмоқдалар. Улар мамлакатимизда маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлиши учун ҳормай-толмай ишлайдилар.

(«ПРАВДА», 19 август).

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

ТЕРМИЗ, **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** КПСС Программаси проекти коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг байроғи бўлиб хизмат қилмоқда. Программа проектининг муҳокамаси шаҳар меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақанинг янада авж олишига сабаб бўлмоқда. Саноат, транспорт ва қурилиш корхоналарининг меҳнаткашлари мисли кўрилмаган ғайрат ва жасорат билан ишлаб, жонажон партиямизнинг XXII съездига, муносиб совға ҳозирламоқдалар.

— Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради, — деди шаҳардаги пахта тозалаш заводининг директори Ўртоқ М. Диловорхонов,— ишчилар ва инженер-техник ходимларимиз шу кеча-кундузда агрегат ва ускуналарнинг капитал ремонтини муддатидан олдин тугаллаш, янги пахта ҳосилини ўз вақтида қайта ишлаш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Корхона цехларида эскирган ускуналарни янгилаш, янги технологияни кенг жорий этиш ишлари жадал давом этяпти. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш мақсадида филтрлашдан сўнг, ҳас-чўпларни ушлаб қоладиган тўрлар, гола ва момиқни тортиб оладиган асбоб-ускуналар ўрнатиб бўлинди. Бу йил тола ажратадиган агрегатларнинг ҳар бири алоҳида электр двигатели билан ишлайдиган бўлади. Бу эса, меҳнат унумдорлигини 1,5-2 баравар оширади.

Шу кунларда завод партия ташкилоти КПСС Программаси ва Устави проектларини ишчи ва хизматчилар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Агитаторлар бу тарихий ҳужжатнинг айрим боблари бўйича суҳбатлар ўтказмоқдалар, завод клубида КПСС Программаси ва Устави проектларига бағишланган сиёсий доклад ва лекциялар тез-тез ўтказилиб турибди.

—Корхонадаги кўпгина партиясиз ишчилар ва хизматчилар янги ўқув йилида КПСС программаси ва Уставини сиёсий тўгаракларда ўрганиш истагини билдирдилар, — дейди завод партия ташкилотининг секретари М. Попов. Бу йил иккита КПСС тарихини ўрганиш, иккита конкрет экономикани ўрганиш тўгараклари ва сиёсий мактаб ташкил этилади. Заводдаги сиёсий тўгарак ва мактабларда 100 дан ортиқ коммунист ва партиясиз кишилар КПСС Программаси ва Уставини атрофлича ўрганадилар.

Термиз пахта тозалаш заводининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари янги пахта ҳосилидан тола ва момиқ ишлаб чиқариш йиллик планини шу йил 7 ноябргача бажариш мажбуриятини олдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

ТАСС БАЁНОТИ

Совет Иттифоқининг жанубий чегараларига туташган баъзи мамлакатларда, айниқса Эрон ва Туркияда кейинги вақтларда шубҳали ҳарбий фаолият кучайтирилмоқда.

Шу йил апрель ойи охирида Анқарада ҳарбий агрессив блок СЕНТО (собиқ Бағдод пакти)нинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари — АҚШ, Англия, Туркия, Эрон ва Покистоннинг ташқи ишлар министрлари ҳамда юқори мансабдаги бошқа вакиллари шу блокнинг Ўрта Шарқ районидаги ҳарбий тайёргарликларини янада кенгайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилдилар. Улар, жумладан, Ўрта Шарқ районида янги ҳарбий базалар қуриш тўғрисида, қурол-яроғларни унификация қилиш ва СЕНТОнинг бирлашган ҳарбий штабини тузиш тўғрисида аҳдлашиб қўйдилар.

Бу штабга америкалик генерални бошлиқ қилиб қўймоқчилар, вақоланки, АҚШ СЕНТО га расмий аъзо эмаслиги ва унинг территорияси Ўрта Шарқ районидан бир неча ўн минг километр нарида эканлиги ҳаммага маълум. СЕНТОнинг бирлашган армиясини ва ҳарбий қўмондонлигини тузиш ҳам назарда тутилмоқда. СЕНТО ҳарбий комитетининг сессия олдидан бўлиб ўтган мажлисларида бу ташкилотнинг ҳарбий планлари аниқлаб олинди ва такомиллаштирилди.

СЕНТО сессияси муносабати билан, СЕНТО «нуқул мудофаа иттифоқи» деган гаплар кўпчилик олдида кўп такрорланди. Эрон бош министри Аминий ва СЕНТО мамлакатларининг бошқа раҳбар арбоблари ҳам бундай гапларни қайта-қайта айтмоқдалар. Бу гапларнинг ҳаммаси фақат ниқобланиш мақсадида айтилаётган гаплардир.

Хўш, бу ҳарбий фаолият ҳақиқатда қандай мақсадларни кўзламоқда? СЕНТО мақомаларида Америка ва Англия генерал штабларининг раҳбарлигида қандай ҳарбий планлар ишлаб чиқилмоқда?

СЕНТО нинг Совет Иттифоқи қўлида бўлган баъзи бир мутлақо махфий ҳужжатларининг мазмунини эълон қилиш ТАСС га топширилди. Мазкур ҳужжатлар совет ва чет эл матбуоти вакилларига танишмоқ учун тақдим этилади.

Шу ҳужжатлар билан танишган ҳар бир холис ният киши СЕНТО нинг стратегиялари тузаётган планлар, аввало, сиёсий ва ҳарбий калтабинликнинг, ошкора авантюризмнинг ифодаси эканлигини, СЕНТО ташкилотчилари жаҳондаги кучларнинг реал нисбатини ҳамда шу планларнинг амалга оширилиши бундай планларни ишлаб чиқаётганлар учун ниҳоят даражада хатарли эканлигини пайқай олмасликларини, тўғрироғи эса, пайқашни истамасликларини кўриб ҳайратда қоладн.

Бағдод пакти ҳарбий комитети АҚШ нинг, Англиянинг ҳамда блок аъзолари бўлган бошқа уч мамлакатнинг юқори доираларига юборган докладини мисолга олиб кўрайлик. Бу докладга **«Ядро зарбалари берилади-ган мўлжалларни танлаш»** деб диққатга сазовор ном қўйилган.

Шу ҳужжатдан кўриниб турибдики, АҚШ ва СЕНТО мамлакатлари СССР га ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши уруш тайёрлаётганликларини фош этувчи планларни 1958 йилдаёқ ишлаб чиққанлар. Лекин агар совет Қуроллн Кучлари мажбурият остида қолсалар, улар СЕНТО дагилар тасаввур қилганидек ҳаракат қилмайдилар, балки агрессорни жуда тез ва батамом емириб ташлаш учун қандай ҳаракат қилишни зарур деб топсалар, албатта шу тарзда ҳаракат қиладилар.

СЕНТО планларининг агрессив ва авантюристик характердаги планлар эканлиги бу блокнинг бошқа ҳужжатида ҳам кўриниб турибди. Бу ҳужжатда Эрон ва Покистон территорияларида СЕНТО қатнашчиларининг ўз қўчлари билан ядро зарбалари бериш учун мўлжаллаб қўйилган жойларининг рўйхатлари берилган.

СЕНТОнинг ташкилотчилари Совет Иттифоқига қуролли ҳужум қилиш йўлидаги ҳар қандай уринин шу уринишнинг ўзи бошланиши биланоқ яксон қилинишини ва агрессорлардан муқаррар қаттиқ қасос олинишини яхши тушуниб, СЕНТО мамлакатларидан баъзиларининг территориясида **«ядро тўсиқлари»** деб аталган гоблар вужудга келтиришни планлаштириб қўйганлар. Хўш, бу **«тўсиқлар»**нинг ўзи нима экан? Буларни вужудга келтирмоқ учун СЕНТО қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг — Эрон ва Покистоннинг **территорияларида бўлган** шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни ядро бомбаси билан бомбардимон қилиш керак экан.

СЕНТО даги атомчи каллаварамларнинг қилган ҳисобларига қараганда, улар Туркия, Эрон ва Покистондаги базалардан яширинғ туриб, шу базалардан Совет Иттифоқига зарбалар беришга, сўнгра эса, Эрон ва Покистон территорияларининг кўп районларидаги шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган жойларни ёндириб ташлаб, шу территорияларни кўрабила туриб ажал зонасига айлантиришга уринмоқчи бўладилар. Мазкур мамлакатларнинг территорияларига атом бомбалари билан 40 марта зарба бериш планлаштириб қўйилган. Эрон ва Покистон ҳукуматлари шу даражага бориб етганларки, улар Америка ва Англияга мана шу ажал зоналарини планлаштириб қўйишга ижозат берганлар. Эроннинг Табриз, Ҳамадон, Паҳлавий, Қазвин, Буржнурд, Шаҳруд, Кучан, Машҳад сингари шаҳарлари, шунингдек Покистоннинг баъзи шаҳарлари жойлашган кенг районлар мана шу зона ичида қолиб кетади. Бундай ядро зарбаларини бериш натижасида миллионларча кишилар қирилиб кетган бўлур эди, Шимолий Эроннинг, шунингдек Туркия ва Покистоннинг кўп районларидаги шаҳарлар мислсиз вайрон бўлиб кетар эди ва радиоактив моддалар билан заҳарланиб қолур эди.

Бундан шу келиб чиқадики, СЕНТО қатнашчиси бўлган баъзи мамлакатларнинг ҳукмдорлари Америка ва Англиянинг Совет Иттифоқи ва бошқа давлатларга қарши ҳарбий авантюраларида актив қатнашишга рози бўлиб, бу билан ўз мамлакатларининг аҳолисини қирилишга ва уқубатли ўлимга ҳозирнинг ўзиданоқ маҳкум қилиб қўйишдан қайтмай, ўз мамлакатларини атом уруши жаҳаннамига ташлашга ўзларининг тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Эрон ва Покистоннинг қирғин ва ажал зонасига айлантирилмоқчи бўлган кенг районлари бугун газетада эълон қилинаётган харитада белгилар билан кўрсатилган.

Бу планлар Ўрта Шарқ районига тааллуқли планлардир. Бироқ, НАТО ва СЕАТО каби ҳарбий агрессив блокларга аъзо бўлган мамлакатларга нисбатан ҳам шундай планлар тузиб қўйилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар бор. Кези келганда шуни эслатиб ўтмоқ керакки, масалан, Рурни емириб ташлаш планлари тўғрисидаги хабарлар чет эл матбуотида ҳам босилиб чиқди.

СЕНТО планларига кўра, бетараф мамлакатларга хонина ҳужум қилиш тайёргарлиги кўрилаётганлиги ҳақида ҳам материаллар бор. Масалан, мазкур ҳужжатлардан кўриниб турибдики, ядро бомбалари билан бомбардимон қилиш учун мўлжаллаб қўйилган объектлар орасида Афғонистоннинг бир қанча районлари, шу жумладан Кобил районн ҳам бор. Маълумки, етакчи империалистик давлатларнинг агрессив доиралари Осиё ва Африка халқларининг тақдирн билан ҳисоблашмайдилар ва шу сабабли, улар «тутташган районлардаги» мустақил давлатларни СЕНТО ва шунингдек СЕАТОнинг «фаолият доирасига» ўз хоҳишлари билан киритиб қўймоқдалар. Бунда фақат Афғонистонгина кўзда тутилаётгани йўқ.

Бу нарса яна шуни кўрсатадики, СЕНТО ҳарбий блокига раҳбарлик қилаётган агрессив доиралар бошқа мамлакатлар халқларининг ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари билан ҳисоблашмай, уларнинг бетарафлигини ва территориал дахлсизлигини поймол қилиб, халқаро босқинчилик методлари билан ҳаракат қилмоқчилар. Бу доиралар ўзларининг ўтмишдошларига тарих томонидан берилган сабоқларни ҳамда тинчлик кучларининг агрессия кучларини қатъиян жиловлаб қўйиш, зарур бўлиб қолган тақдирда эса, агрессия кучларини емириб ҳам ташлаш қобилияти ошганлигини асло ҳисобга олмаётирлар.

Хуллас, СЕНТО планлари бир қанча тинчликсевар давлатларга атом ҳужуми қилишга ва шу блокда қатнашаётган мамлакатларнинг ўз территорияларида атом ажал зоналари вужудга келтиришга уриниб кўришни кўзда тутмоқда.

СЕНТО бош ҳарбий секретарининг докладномасида ишлаб чиқилган планлар АҚШ ва Бирлашган Қироллигининг тегишли бошқармалари кўриб чиқиши учун Вашингтонга ва Лондонга юборилганлиги айтилади. Бу кўриб чиқишнинг мақсади ядро зарбалари бериш учун мўлжаллаб қўйилган жойларни маъқуллашдан ва ядро бомбалари билан бомбардимон қилиш тўғрисидаги бошқа планларга мувофиқлаштиришдан иборат бўлган.

(Давоми тўртинчи бетда)

БУ САҲИФАДА ЎҚИЙСИЗ:

«ГАЗ ЁНИШИ ПРОЦЕССЛАРИ» ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ЖИЛВОННИ СОВЕТ КИШИЛАРИ ЖИЛОВЛАДИ

АНРИЕТТА КАСТРИК: КЎЗЛАРИМДА СЕВИНЧ ЁШЛАРИ

ПАХТАНИ ҲАМ ТАБИИЙ ГАЗ ҚУРИТСИН

Шу кунларда саноатимизнинг гигант корхоналари табиий газ асосида ишлашга кўчириляпти. Шулар қаторида баъзи пахта қуритиш ускуналари ҳам «Зангори ёнилғи» билан ишлашга ўтди. Лекин мавжуд ускуналарнинг техника иқтисодий кўрсаткичлари жуда паст, конструкцилари мураккаб ва жиддий камчиликларга эга. Бу ускуналарнинг фойдали иш коэффициенти 45-55 процентдан ошмайди. Ёқилғидан чиққан иссиқликнинг деярли ярми бекорга исроф бўлиб, сушилкага кирмай ташқарига чиқиб кетади.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва Автоматика институти қошида очилган «Газ ёниши процесслари» лабораториясида илмий ишлар олиб борилди. Лабораторияда ўтказилган тажрибалар натижасида янги, жуда содда, табиий газ ёниб, сушилкаларни иссиқлик билан таъминловчи Тажриба учун ясалган шундай ускунани (туннель диаметри 100, қалинлиги — 50, узунлиги 650 миллиметр, цилиндр диаметри 360 мм) ҳар томонлама синаш яхши натижа берди. Тўннель ичига кирган газ тўла-тўкис ёниб тамом бўлади. Ускунанинг фойдали иш коэффициенти 96-98 процентни ташкил этади. Сушилкага кирувчи иссиқ аралашманинг таркибида пахта сифатини пасайтирадиган компонентлар бўлмайди.

Ҳозирги вақтда «СХБ-1,5», «СХН-3» сушилкалари учун шу хилдаги ускуналарнинг техника лойиҳаси тайёрланган. Таклиф этилаётган ускуна намунасини шу йил пахта қуритиш мавсумида ишлаб чиқариш шароитида синаб кўриш мўлжалланяпти. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, биз таклиф этаётган ускунани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш натижасида ёқилғи сарфлаш икки марта озаяди, кўплаб металл, қурилиш буюмлари, электр қувватини



Табиий газ ёқиш билан пахта қуритиш сушилкалари учун газ-ҳаво аралашмаси тайёрлаб берувчи ускунанинг принципиал схемаси.

1. Горелка — газ-ҳаво аралашмаси ёнишга тайёрланади.

2. Керамик туннель — туннелда газ тўла-тўкис ёнади.

3. Вентилятор — ёниш маҳсулоти билан ҳаво аралашмасини сушилкага узатиш учун хизмат қилади.

4. Цилиндр—ҳаво ва ёниш маҳсулотларининг тарқалиб кетмаслигига хизмат қилади, аралашмани вентиляторга йўналтиради.

5. Заслонка — керакли миқдорда ҳаво бериб туриш учун хизмат қилади.

* * *

ускуна яратишга муваффақ бўлдик.

Ўскунанинг тузилиши қуйидагича: табиий газ, аввало, инженцион горелкага (1) киради. Газ ёниши учун зарур ҳаво ҳам газ билан бирга горелкага киради ва газ-ҳаво аралашмаси ҳосил бўлади. Бу аралашма иссиққа чидамли лойдан ишланган туннельга (2) кириши биланоқ ёнади ва вентилятор (3) томонга йўналади. Ёниш маҳсулоти туннелдан чиқиб, тунель устидан кириб келаётган ташқи ҳаво билан қўшилади: шундай қилиб зарур иссиқликдаги аралашма ҳосил бўлади. Шу аралашма вентилятор (3) ёрдами билан сушилкага юборилади. Туннельга концентрик ҳолда ўрнатилган цилиндр (4), металдан ишланган бўлиб, устки қисми иссиқлик ўтказмайдиган материал билан қопланган. Заслонкалар (5) ёрдами билан цилиндр ичига ҳаво киритилади. Эҳтиёжга қараб ҳаво юборишни кўлайтириш ёки камайтириш мумкин.

Ўскунанинг тажриба намунасини тайёрлашда Ўзбекистон халқ хўжалиги кенгаши ёрдам бериши керак.

Қ. ШОКИРОВ,
Техника фанлари кандидати.

ТЎҚҚИЗ МИЛЛИОН

Ўзбекистон мактаблари учун чиқарилаётган дарсликлар тиражи бу йил тўққиз миллионга етди, — деди республика «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриётининг директори В. К. Валиев, — Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда.

Дарсликларни нашр этиш ўтган йилдан бошлаб айниқса тез ўса бошлади. Ўтган йили уларнинг тиражи бирданига уч миллион донага кўпайди. Бу эса Коммунистик партия белгилаган халқ маорифини янада яхшилаш йўлининг натижасидир. Ўқитишнинг янги программаси муносабати билан дарсликларни тезда қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Биринчи синфдан 7- синфгача бўлган дарсликлар ҳозиргачаёқ қайта кўриб чиқилди.

Бу йил республика ўқувчилари 34 номда янги оригинал китоблар оладилар. Нашриёт планида политехника таълими учун ёрдамчи материаллар катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ССР Конституцияси, табиётшунослик, Ўзбекистон тарихи, республика иқтисодий географияси биринчи марта ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Музика таълими бўйича қўлланма ҳам биринчи марта чиқарилди.

Эндиликда нашриёт 118 номда дарсликларни чиқармоқда. Лекин унинг иши дарсликлар чиқариш билангина чекланмайди. Бу йил турли методик адабиёт, программалар, жадваллар бир миллиондан кўпроқ тираж билан нашр этилди.

1964 йилга бориб нашр этиладиган дарсликлар тиражи ўн бир миллион нусхани ташкил этади.

КОЛХОЗ ОШХОНАСИДА ПИШИРИБ

Жомбой районидаги Жданов номли колхозда ташкил этилган марказлаштирилган ошхона шу кунларда пахтакорларга намунали хизмат қилаётир. Бу ерда ҳар куни 1000 порция иссиқ овқат тайёрланиб, далада меҳнат қилаётган колхозчиларга етказиб берилмоқда.

Малакали ошпаз ўртоқ Ш. Рифатова тайёрлаётган мазали таомлар ҳаммага маъзур бўляпти. *А. ИМОМОВ.*

ФАРҒОНА областининг Тўрақўрғон районида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир колхоз ва совхозда касалхоналар, поликлиникалар, дорихоналар, туғруқхоналар, мактабгача болалар муассасалари ишлаб турибди. Малакали медицина ходимлари аҳолига муносиб хизмат кўрсатишяпти. Райондаги Жумажўй касалхонасининг ходимлари колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб, медицина пунктларининг ишига яқиндан ёрдам кўрсатяптилар. СУРАТДА: педиатр Гулсора ИКРОМОВА. У, касалхонанинг энг яхши консультант врачларидан биридир.

С. Чижиков фотоси.

ЖИЛВОН ШЕРЛАРИ

Жилвон билан беллашган не-не азаматларнинг мехнати зое кетди. Бу ерда баҳор ёмғиридан унган гиёҳлар ҳам ёз ҳароратига бардош беролмай қовжираб қоладди. Шу Жилвон фақат совет кишиларига ўз жиловини тутқазди. Йўқ, тўғрироғи азаматлар Жилвонни жиловладилар.

Жилвонга ҳужум бошлаб, уни чаманзорга айлантиришга отланганлардан бири Қодир Мирзаев ва у бошчилигидаги бригада аъзоларидир. Бу бригада, аввало, чўлда бир парча кўк гилам ясаган бўлса, кейинчалик бу, яшил воҳага айланди.

Қодир Мирзаев ўқитувчи эди. Лекин шу чўл унга ором бермасди. Чўл худди мардларни майдонга чақираётгандай бемалол ястаниб ётар, инсонни писанд қилмаган каби ўт-ўланларни ҳам қовжиратиб юборар, ҳатто ҳужумга ўтиб, гармсел шаклида пахтазорларга кириб борарди.

Қодир ўз касбини алмаштириди, белини боғлаб чўл қувмоқчи бўлди. Унинг шогирдлари — собиқ ўқувчилари атрофига тўпланди. Ҳужумкорлар Қизилқум этаги — Жилвон атрофини экинзорга айлантириб, тошда пахта ундирди.

Биз ўртоқ Мирзаев бригадасига етиб борганимизда қуёш тикка кўтарилмоқда эди, ҳарорат эса ошиб борарди. Лекин далада иш қизғин. Баъзилар ғўзаларга сув тарар, баъзилар шарбат» учун гўнг ташир, бошқалар эса шу пахтазор орасида ўтоқ қилиб юрарди.

Ҳароратнинг баландлигига қарамай, қалин қора чопон кийиб олган бригадир колхозчилар ишини кузатиб юрарди. Биз билан кўришгач, у тепалик томон юра бошлади. Саҳрога қараб чиққан сайин манзара ҳам, ҳарорат ҳам ўзгариб борарди.

Қуёш ерга узилиб тушгандай. Ҳатто тупроқ ҳам пойафзалдан ўтиб куйдиради, иссиқ кишини бехуд қилади. Юзингиздан тер ёмғирдек қуйилади. Худди ана шундай ерда ғўза ўсмоқда. Шундай ўсмоқдаки, ҳар тупида 13-15 тадан кўсак бор. Лекин кечагина суғорилганига қарамай, ғўза сувсираб бош эгиб турибди.

— Бу ерларнинг ҳаммаси саҳродан юлиб олинган, — дейди бригадир ғўза тагидан бир қисм тупроқни олиб, намлигини аниқлаб кўраркан, — ҳавонинг тафтини қаранг, гармселга олдирмаслик учун тез-тез сув қўйиб турамиз. Ҳозир тўртинчи марта суғоряпмиз.

Бир вақтлар жилдираб оқиб, деҳқонни ташна қилган Жилвон суви пишқириб оқмоқда. Жилвон ариғининг кўпригидан ўтиб Қизилқум томон юрдик. Саҳро катта бир хумдон каби қизимоқда. Лекин шу ерларда ҳам — қум барханлари орасида жилвонлик шерларнинг қўли билан кўкартирилган дарахтлар, ғўзалар мавж уриб ўсмоқда.

— Бу ерлар звено бошлиғи Саври Авезовга қарашли ерлар, — деб тушунтирди бригада бошлиғи. — Звено бошлиғи ҳам Авезовнинг ўзи, аъзоси ҳам...

Жилвон канали ёқалаб бора туриб, Қодирнинг бу гапларига ажабландик. Лекин у тўла тушунтиришга улгурмай, канал ёқасидаги кичик уйдан бир йигит чиқиб келди. Иссиқдан қорайиб кетган, узун бўйли, барваста бу йигит шойи белбоғини бошига саллача қилиб олган.

— Авезов мана шу киши, — деди ўртоқ Мирзаев гапини давом эттириб, — бригадамизнинг Робинзони, — ҳазиллашди у.

Авезов бригадир билан универсалнинг қачон келиши ва ўғит ҳақида келишиб олгач, сувни бақона қилиб нари кетди. Бўлиқ ғўзаларни айланиб кўрар эканмиз, Мирзаев яна Саврини чақириб олди-да, қандайдир топшириқлар берди.

— Полвон йигит, — деди бригадир,—ўз кучини сариштa қилолмай юради. Коллективимиз коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмоқда. Бу кураш фақат меҳнат соҳасида бораётгани йўқ. Савриобийни ҳам тарбияламоқчи бўлдик. Ўтган йили Савриобий тихирлик қилиб юрди. Дангасалик қилиб ўртоқлардан ажралиб қолди. Танқид қилдик — бўлмади. Ниҳоят бригада ўз сафидан четлаштирди. Чоғимда бу ҳам таъсир қилмади шекилли, бошқа бригадаларда ҳам ишлаб ёлчитмади. Колхозимизда ишёқмасларга ўрин йўқ, дедик. Савриобийни колхоздан ҳайдаш тўғрисида гап бўлиб қолди. Шунда онаси билан хотини Савриобийни етаклаб бригадамизга келишди, илтимос қилишди. Ўзи ҳам тавба қилди. Юзи шувут бўлган эмасми, шундан кейин ўзи ҳам роса ишлади-да!

Кузда Савриобий: «Жўралар, мен қилган гуноҳимни ювишим керак. Бригадамиз янги ер очмоқчи экан, шундан 10 гектарини менга беринглар, тракторчи культивация қилиб берса бас, қолганини ўзим қиламан, гектаридан 40 центнердан пахта бераман», деб қолди. Мана, кўриб турибсиз, айтганидан қайтгани йўқ. Шу йил ўзлаштирилган ерда мўл ҳосил етиштиряпти.

Қодир Мирзаев бошчилик қилаётган коллектив Ғиждувон районидаги «Москва» колхозининг комплекс бригадаларидан бири. Комплекс деганда фақат механизациялашни тушунманг. Бу бригадада 75 гектар пахта майдони, 15 гектар боғ, 5 гектар токзор, 15 гектар бедазор бор. 20 гектарли тутзорни ҳам шу бригада парвариш қилади.

Қизилқум билан олишиб, Жилвон бўйида жавлон ураётган Қодир Мирзаев бошлиқ шерларга таҳсин айтмай бўладими!

М. САЛОМОВ,
Т. ҚУРБОНОВ.

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР“

Газетанинг 1960 йил 30 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий материал босилган эди, Мақола Фарғона область партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Область партия комитетининг бюроси мақолада Қўқон шаҳар партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Ҳ. Қориевнинг Муқимий номли фабрика директорига нисбатан нотўғри муносабатда бўлганлиги ҳаққоний танқид қилинганлигини эътироф этди.

Область партия комитетининг бюроси Қўқон шаҳар партия комитетининг секретарлари Ҳ. Қориев, Ю. А. Буриевич ўртоқларининг кадрларни нотўғри танлаш фактларига йўл қўйганликлари, уларни ишга жойлашда шошма-шошарлик қилганликлари, шунингдек Муқимий номли шойи тўқув фабрикасида зарур тартиб ўрнатиш учун қатъий чоралар кўрмаганликларини кўрсатиб ўтди ва саноат-транспорт бўлимининг мудири А. Х. Ильяевга навбатдаги эълон қилди. Фабрика директорини ўртоқ Ў. Рўзиевани менсимаганлиги, унинг обрўсини тўкканлиги ва фабрикада фисқи-фасод уюштирганлиги учун фабриканинг бош инженери Б. Исломов ишдан олинди ва унга виговор эълон қилинди.

Шу билан бирга редакция мақола автори собиқ цех бошлиғи В. Қаҳҳоровни нотўғри ҳимоя қилганлигини аниқлади. Қайта текшириш натижасида М. Хатамқуловнинг В .Қаҳҳоровга туҳмат қилишда айбланганлиги тасдиқланмади.

ТЎҚҚИЗ ҲУНАР

ОҲАНГАРОНДАГИ 9- шахтанинг ёш шахтери, комсомол аъзоси Владимир Баскаков тўққиз ҳунарни мукаммал ўрганиб олди. У проходкачи ва забой тозаловчи ишчи, ёғоч стказиб берувчи ва мустаҳкамловчи, электр слесарь ва откачкачи, портлатувчи ва моторист вазифаларини бир хил маҳорат билан бажармоқда.

Яқинда Владимир бир группа оҳангаронлик кончилар билан биргаликда «Тулауголь» комбинатининг шахталарига бориб келди. Бу ерда у яна бир касбни — «Мосбасс» типидаги кўчма механизациялаштирилган крепни монтаж қилишни ўрганди. В. Баскаков шахтерлар кунигача икки ўртоғига янги ҳунар ўргатиш мажбуриятини олди.

Ҳозир шахтадаги 500 дан ортиқ кончи олти-етти ҳунарни ўрганиб олган. Шахтерлардан ҳар уч кишидан бири малака ошириш курсида ўқимоқда.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛ КИШИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Яқин ўтмишда чет эл кишисига Ўрта Осиёда ўзбек деган халқ ҳам яшайди дейилса, у елкасини қисиб, бу сўзни биринчи марта эшитаётганини тан оларди. Ўша вақтда буига ажабланмаса ҳам бўларди. Чунки чоризм ва маҳаллий эксплуататорлар бу ўлка халқини қоронғилик ва жаҳолатда сақлардн.

Ҳозир эса Ўзбекистон бахт водийсига, бахтиёрлар диёрига, социализмнинг Шарқдаги машъалига айланди.

Республикамизнинг келажаги яна ҳам порлоқ Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа ва Устави проектларини зўр эътибор билан ўрганиб чиқиб, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш суръатларини тезлаштиришга астойдил бел боғлаганлар.

Ўзбек халқи тарихан қисқа вақт ичида босиб ўтган зафарли йўлга чет эллан келган барча кишилар қойил қолмоқда. Яқинда чет эллик ёшлардан бир группаси республикамизда бўлиб, ўзбек халқининг, хусусан ёшларнинг ҳаёти билан танишди.

Улар совет халқининг коммунизм қуриш йўлини белгилаб берган КПСС Программаси проекти ҳақида гапириб, бу улуғвор ҳужжатда Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат ғоялари мужассамланганлигини яқдиллик билан таъкидладилар.

«Биз Москвада эканимизда партиянгизнинг янги Программа проектини ўқиб чиқдик, — дейди Гваделупа вакили Рудольф Дизери. — Очигини айтганда, у бизга жуда ёқди. Чунки унинг бутун руҳи тинчлик ва дўстлик ғоялари билан суғорилган.

Сизлар коммунизм қуришда юксак идеал учун курашмоқдасиз. Партия Программаси проектида ҳам ана шу мақсад ифодаланган. Мен Москвада ҳам, Тошкент ва Самарқандда ҳам совет кишиларидан «Биз коммунизм даврида яшаймиз» деган мағрур сўзларни эшитдим. Келажагига қатъий ишонган кишиларгина шундай дейиши мумкин».

Мана, Патрис Лумумба Ватанидан келган негр йигити Жан Лунда ўз таассуротларини сўзлаб, нималар дейди:

«Биз сизнинг Африка сингари, менинг ватаним Конго каби қўшли республикангизда сира унутилмас кунларда — мамлакатингизнинг мард фарзанди Герман Титов совет олимлари кашф этган мўъжизали ҳаво кемасида космосга узоқ муддатли парвоз қилиб, бутун ер юзини ҳайратга солувчи улкан жасорат кўрсатган бир пайтда бўлдик. Совет фани ва техникасининг бу жаҳоншумул ғалабаси социалистик системанинг капиталистик системадан устун эканлигини исботлайди.

Республикангиз ҳақида шуни айтишни истардим: яқин ўтмишда менинг ватаним сингари колония бўлган қолоқ ўлканинг, Октябрь революциясидан олдин 2 процент аҳолисигина саводли бўлган Туркистоннинг бугунги қиёфасига қараб тўёлмайсан, кўзларингга ишонмайсан, киши. Саноат ва қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг юксалиши шу даражага эришганки, буни фақат орзу қилиш мумкин. Ўзбекистон баъзи саноат маҳсулотлари билан ўз халқини, Совет Иттифоқидаги бошқа республикаларни таъминлаб қолмай, чет элларга ҳам чиқараркан. 55 чет эл мамлакати билан ташқи савдо алоқаси ўрнатган экан».

Франциянинг Шимолий департаментидан келган «Ёшлар ётоқхоналари» ташкилотининг вакили Анриетта Кастрик Ўзбекистонда бўлган вақтида кўпроқ хотин-қизларнинг аҳволи билан қизиқди. Ўзи тўқувчи оиласидан бўлгани учун тўқимачилик саноатининг тараққиёти ва бундан кейинги истиқболи билан қизиқиб, бу тўғрида анчагина маълумот олди.

«Мен, — дейди Анриетта Кастрик, — Ўзбекистонда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ижодий камолатга эришганидан ниҳоятда ҳаяжоландим. Ўтмишда ўз уйидан нарини кўрмаган, ҳуқуқсиз бўлган Ўзбек аёллари бугунги кунда халқ хўжалигининг, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида салмоқли ўрин эгаллаб турибдилар. Улар орасидан етук олимлар, инженерлар, врачлар, педагоглар етишиб чиққан. Республика раҳбар органларида ҳам хотин-қизлар кўп. Мен Ўзбекистон президенти хотин-қизлардан эканлигини эшитганимда кўзларим севинч ёшига тўлди. Бу чинакам демократининг тантанасидир.

Биз республика Олий Советида бўлганимизда Совет Иттифоқида, жумладан сизнинг республикангизда ҳам медицина, халқ маорифи ва тўқимачилик саноатида хотин-қизлар асосий кўпчиликни ташкил этишини айтган эдилар. Жойларда бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Тўқимачилик саноатидаги хотин-қизларнинг аҳволи, уларга яратиб берилган шароитлар биз зўзу қилгандан ҳам зиёда экан. Тўқувчи аёлларнинг ёш болалари оналари ишлаётган корхонанинг боғча ва яслисида тарбияланади.

Ишчи аёллар ҳомиладор бўлса, фарзанд кўришидан олдин икки ой, фарзанд туғилгандан кейин ҳам икки ой отпускада бўлиб, ишламаган ана шу кунлари учун ҳам тўла ҳақ оладилар. Франциянинг Шимолий департаментида эса 6 ҳафта отпуска берилади. Ишчи аёлнинг корхонада ишламаган ана шу кунларига ҳақ тўланмайди.

Бизда аёллар меҳнатини осонлаштириш учун деярли ҳеч қандай чора кўрилмаётир. Масалан, шахтёрлар шаҳри бўлган Па-де-Каледаги аёллар тўқимачилик корхоналарида ишлаш учун 50-60 километр масофадан бизнинг департаментга ҳар куни қатнайдилар. Па-де-Каленинг ўзида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида ҳеч ким бош қотирмайди. Иш ҳақининг 15-20 процентини, баъзан эса 25-30 процентини квартира учун тўланади.

Мен Ўзбекистон аёлларининг нақадар бахтиёр эканликларини кўриб, совет тузумининг афзаллигига яна бир бор қойил қолдим».

Чет эллик меҳмонлар республикамизда бўлганларида коммунизмнинг бўлажак қурувчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаш, унинг соғлом ва тетик ўсиши учун давлатимиз ҳеч нарсани аямаслигидан ниҳоятда таъсирланадилар.

Мана, узоқ Латин Америкасидан келган Франциско Лопеснинг фикрини эшитинг:

«Биз Совет Иттифоқида, хусусан Ўзбекистонда болаларни тарбиялашга жуда катта эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мактаб, интернат-мактаб, болалар уйлари, боғча ва яслилари, пионер уйлари ва саройлари, лагерь ва станциялар — бахтиёр болаларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Пионер ташкилоти уларни ўз Ватани, халқи, Коммунистик партиясига садоқат руҳида, меҳнатни севиш ва қадрлаш, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашдек олижаноб вазифани бажаради. Мен Тошкентдаги бир қанча пионер лагерларида ва саройларида бўлиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

Болалар Совет Иттифоқида эришилаётган ютуқлардан фахрланадилар, буюк ишларга интиладилар. Масалан, «Пионерская зорька» пионер лагерида дам олаётган болалар баҳодир совет учувчиси Герман Титов космосга муваффақиятли парвозини эшитганларида «биз ҳам космосга учишни орзу қиламиз» дедилар. Биз улар ўз қўли билан ясаган космик кема макетини томоша қилдик. Болалар бу ишларини Герман Титовнинг космик парвозига бағишлаганлар. Уларнинг қобилияти, меҳнатсеварлиги кишини ҳайрон қолдиради.

Ҳамма нарса халқ бахт саодати учун қилинаётган Совет Иттифоқидагина шундай бўлиши мумкин. Менинг Ватаним — Перуда эса бутунлай бошқача манзарани кўрасиз. Болаларнинг аҳволи, келажаги билан ҳеч ким қизиқмайди. Улар жуда ёмон шароитларда яшамоқдалар.

Биз республикангиз халқининг энг яхши, самимий ҳис туйғуларини олиб кетмоқдамиз. Бу ерда ўтган кунларимиз ҳаётимизда сира унутилмас бўлиб қолади».

Чет элдан келган меҳмонларимиз Совет Ўзбекистони, унинг меҳнатсевар халқи, халқлар ўртасида қарор топган ажойиб дўстлик, юксак тараққиёт тўғрисида зўр ҳавас билан гапирдилар.

М. АҲМЕДОВ,
А. НАБИХЎЖАЕВ.

ДАЛА ШИЙПОНИДА ҚЎШИҚ ЯНГРАЙДИ

БЎЛОҚБОШИ ҚИШЛОҒИ (Андижон области). Карл Маркс номли колхознинг дала шийпонида Юрий Гагарин ва Герман Титов ҳақидаги қўшиқнинг ёқимли оҳанги янграб эшитилади. Қўшиқ сўзлари ва музикасининг автори шофер Халил Аҳмедов қўшиқни бошлаб беради.

Халил Аҳмедов Хўжаобод район Маданият уйи ҳузурида ташкил этилган ашула ва рақс ансамблининг қатнашчиси. Ансамблнинг ҳаваскор артистлари бу йилги мавсумда районнинг ҳамма колхозларига бир неча мартадан бориб келдилар. Улар СССР халқларининг ашула ва рақсларини, шунингдек ҳинд ва афғон ашулаларини ижро этадилар. Жамоатчилик асосида ишлайдиган бу ансамбль КПСС XXII съездига бағишланган концертлар учун олдиндан талабномалар қабул қила бошлади. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси проектида совет халқи фаровонлигини оширишнинг буюк истиқболлари белгилаб берилган. Меҳнаткашларнинг уй-жой билан таъминлаш янада яхшиланади. Республикамизда ҳам бу буюк планлар амалга оширилмоқда. Яқинда Наманган шаҳрида уй-жой биноларн учун йирик панеллар ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди. Суратда: янги завод маҳсулотларидан монтаж қилинаётган биринчи уй.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕМИР йўлда сафар қилмоқчи бўлган киши дастлаб билет кассирига учрашади. Билет кассири қанча чаққон ва ўз касбини пухта эгаллаган бўлса, пассажирларнинг билет олиши шунча тезлашади. Самарқанд станциясининг билет кассири Анастасия Толстова билетларни тез ва тўғри расмийлаштириш билан пассажирларнинг ҳурматига сазовор бўлиб келаётган донгдор темир йўлчи.

СУРАТДА: билет кассири А. ТОЛСТОВА.

А. Котулев фотоси.



СИЗ Нурекда бўлганмисиз? Унинг бугунги жамолига тўйиб-тўйиб боқиб, нур шаҳрининг яқин келажаги ҳақида хаёл сурганмисиз? Юринг бўлмаса, нурчилар шаҳрини томоша қилайлик...

Нурек шаҳри доимо уйғоқ. Автомашиналар ва бульдозерларнинг гувиллаши, тор қояларида ўтказилаётган портлатишлар, бинокорларнинг «ҳа, бўл» деган овозлари, вақтинча ўрнатилган дизель электростанцияларининг гуп-гупи бу шаҳарнинг сергаклигидан дарак бериб турибди.

Сталинобод билан Нурек ўртаси 70 километрли йўл. Бу йўл адрлар оша илон изи бўлиб кетган. Бир жойда баъзан бир неча марта айланасиз. Нурек тор оралиғида жойлашган катта сайҳонликдан иборат.

Нурчилар шаҳри бундан олти ой илгари пахса деворли уйлардан иборат кўримсизгина қишлоқ эди. Республика картасида унинг номи ҳам бўлмаган. Ҳозир Нурек каттакон шаҳарча бўлиб қолди. Нурек яқин вақт ичида Тожикистон республикасининг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланади. Ҳозир нур шаҳрининг аҳолиси 3 минг кишига етар-етмас. Етти йиллик давомида аҳолининг сони 30 мингга етади.

Шаҳарда ҳамма қулайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жой бинолари, мактаб, болалар боғча ва яслилари, кинотеатр, стадион, мадания ва истироҳат боғи, бассейн, Советлар уйи қад кўтаради. Бу планларни амалга ошириш учун кўп эмас, 3-4 йилгина вақт керак, холос.

Нуректан икки километр юқорида Лангар ишчилар поселкаси бор.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДА

КЕЛИНГ ДЎСТИМ, НУРЕКНИ КЕЗАЙЛИК

Репортаж

□ □ □

ЛАНГАР кичкина бир қишлоқча, у шарқ, шимол ва жануб томонлардан тоғлар билан ўралган. Ана шу тоғлар қўпорилади. Уларнинг тошу-тупроғидан эса Вахш дарёсини тўсиш учун фойдаланиш мумкин.

НУР ДАРАСИ

НУРЕК ГЭСи Пулисангин дарасига қурилади. Тўғонининг баландлиги 300 метр бўлади. Бу дунёда энг баланд тўғондир.

Биз Пулисангинни нур дараси дедик. Тўғон кўтарилганидан кейин, дарадан ном-нишон ҳам қолмайди, чунки у тамоман кўмилади. Унинг Пулисангин дараси деган номигина қолади, холос.

Дарё тўсиганидан сўнг узунлиги 80 километр, кенглиги 4—5 километр, чуқурлиги бир неча юз метрдан иборат катта сув омбори вужудга келади. Сиз Сардарёда қурилган Қайроққум сув омборини биласиз. Нурек сув омбори ундан деярли уч баравар катта бўлади. Буни каттакон денгиз деб аташ мумкин.

Ҳозир Пулисангин дарасида катта ишлар олиб бориляпти. Қоялар портлатилмоқда. Геологик тадқиқот ишлари тугай деб қолди. Вахшга дастлабки тош ташланди.

Пулисангинга бир назар ташланг. У унча катта дара эмас. Узунлиги эзгра бир ярим километрга етади, кенглиги ундан ҳам камроқ. Пулисангин парвоз қилиб, тубанга шўнғиётган бургутга ўхшайди. Икки тог-икки қанотию, гўё у ерда аллақарсаларни кўриб ҳужум қиляпти...

Дарангинг тунги манзараси ажойиб. Дарё бўйларида, тог ёнбағрида чироқ йилтираб кўринади, гармонинг ўйноқи садоси, йигит-қизларнинг шўх яллалари эшитилади.

ГЭСНИНГ КУЧИ

ПОЕЗДГА ўтириб, Ўрта Осиё республикаларини сайр қилсангиз, кенг пахтазорлар, боғ-роғлар, йўловлар, гаплазорларни кўриб кўзингиз қувонади, рўхингиз кўтарилади, юрагингиз тўлқинланади. Ахир булар Ватан, эл бойлигининг битмас-туганмас кони-ку!

Аммо яна бошқа бир манзарани — қип-қизғиш яйдоқ чўл-биёбонни кўриб, юрагингиз жизиллаб кетади. Бу, Қарши чўлларига бир назар ташланг-а! Неча минг гектарлаб соз тупроқ, унумдор ер куйиб, қатрони чиқиб ётибди. Боболаримиз айтганидек, кўсов тикса кўкарадиган ерларку, булар! Бу ерларнинг бефойда ётишига сабаб фақат битта: у ҳам бўлса сувсизлик. Бўлмаса техникамиз етарли, яна қандай техника денг? Дунёда энг биринчи ва энг қудратли техника! Одамларимиз эса саботли, матонатли, тоғни ўрса талқон қиладиган кишилар. Мирзачўлни, Ёзёвонни, Вахш водийсини гулистонга айлантираётган кишилар шулар эмасми!

Ўрта Осиё республикаларида ва жанубий Қозоғистонда катта-катта хайдонларни ҳозирча қақроқ чўллар эгаллаб ётибди. Лекин уларнинг умри қисқариб бормоқда.

Биргина Нурек ГЭСининг қуввати билан қандай буюк ишлар амалга оширилишини кўз олдимизга келтирайлик. Вахш нурхонаси йилига 12 миллиард киловатт-соатга яқин электр қуввати ишлаб чиқаради. 1 киловатт-соат электр қувватининг таннархи 0,026 тийинга тушади. Бу эса мамлакатимиздаги энг арзон электр қувватидир.

Нурек ГЭСи қуриб битказилган, Ўрта Осиё республикаларида 3 миллион гектар ерни сугориш мумкин бўлади. Агар шу ерлар шоликорлик бўлса, бир йилда 900 миллион пуддан ортиқ шоли олинади. Шунингдек, янги очилган ерларда 3 миллион тоннадан ортиқ пахта етиштириш мумкин.

Тожикистон асосан тоғли ўлка. Лекин бу қардош республикада бир томчи сувга зор бўлиб, қақшаб ётган беодоб чўллар ҳам оз эмас. Кишилар ана шу чўлларга сув чиқариб, уларни серҳосил экинзорга, боғ-бўстонга айлантириш тўғрисида ўйлардилар-у, бунинг иложини тополмас эдилар. Эндиликда бу оғир муаммони ҳал этиш пайти келди. Вахш нурхонаси ёрдамида Тожикистон республикасининг ўзидагина чўл-биёбонлардан 400 минг гектардан кўпроғи сугорилади. Ёвон ва Обикийик водийларида 57,5 минг гектар, Дамғара водийсида 90 минг гектар, Аҳт массивида 47 минг гектар, Сапғор—Мирзаравот массивида 33 минг гектар ер ўзлаштирилади. Бу ерларда ярим миллион тонна пахта ҳосили етказиб олиш мумкин.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАКТАБИ

ПАРТИЯ нима деса, бажарилмай қолмайди! Қисқа, аммо чуқур маъноли гап бу. Бир ўйлаб қаранг-а, партиянинг иродаси билан қанчадан-қанча буюк ишларни бажардик. Партиямиз халқ манфаатини кўзлаб иш қилмоқда. У Ленин даҳоси билан иш кўриб, эртангина эмас, узоқ келажакнинг ҳам нашъу-намосини белгилай олади. Шу сабабдан ҳам партиямизнинг ҳар бир чақирига совет кишилари «лаббай» деб жавоб берадилар. Партия қаерга йўлласа, бош устига дейдилар.

Нурек ГЭСига беполён мамлакатимизнинг ҳамма томонидан турли касб эгалари келиб турибди. Совет кишилари яхши тушунадиларки, бошланган ҳар бир улкан иш умумхалқ иши бўлиб, уни Иттифоқимиздаги қардош халқлар бир-бирига қўл чўзмасдан, кўмаклашмасдан бажариб бўлмайди.

Нурек нурхонасида 40 га яқин миллат вакиллари бор. Улар бу улкан қурилишда бир-бирига шогирд бир-бирига устоз бўлиб ишлаяптилар.

Николай Николаевич Хорунов Братск ГЭСидан, Владимир Александрович Басков Узоқ Шимолдан, Валентин Карпович Романов Моздокдан, Абдувоҳид Абдураҳимов эса Қўқондан келган. Уларнинг бири проходкачи, бири пармаловчи, бири бетончи, бири шофер бўлиб ишлаяпти.

Ҳар бир ишнинг муваффақияти ихтисосли кадрларга боғлиқ. Нурек ГЭСига мамлакатимизнинг турли районларидан ишбилармон мутахассислар келиб турган бўлсалар ҳам, ҳали кадрлар етарли эмас. Чунки иш ҳажми кундан-кунга кенгайиб боряпти. Шунинг учун ҳам ГЭС маъмурияти кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериб, Оржоникидзеобод ва Нурек шаҳарларида 400 кишилик курс очди. Бу курслар уч ви тўрт ойлик бўлиб, дурадгорлар, ғишт терувчилар, бетончилар ва бошқа касб эгаларини тайёрлайди. Бу гигант қурилишда кўплаб маҳаллий миллат ғишлари малакали ҳунар эгалари бўлиб етишиб чиқмоқдалар. ГЭС қурилиши бу кишиларга мактаб бўляпти...

Нурек Тожикистоннинг улкан нурхонаси, Вахш водийси эса, нур макони бўлади.

Маҳмуд ТЎЛҚИН.

Нурек, Вахш водийси.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

ХАЗОРАСП. «Коммунизм» колхозида саккиз йиллик мактаб учун 24 хоналик бино ва 50 дан ортиқ хўжалик учун янги уй-жойлар қад кўтарди.

А. МАДАМИНОВ.

* * *

ОҚДАРЁ. Сталин номли колхознинг тинаб ва янтоқ қоплаб ётган каттагина майдони ўрнида ажойиб посёлка бунёд қилинмоқда. Ҳозиргача бу майдонда 100 га яқин хўжалик данғиллама уй-жой қуриб олди.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

* * *

АНДИЖОН. «Тўқмоқ» участкасида алоқа бўлими учун янги бино ҳамда чойхона қуриб ишга туширилгани «Узбекистон» колхози меҳнаткашларини хурсанд қилди. Артелнинг кўпгина бригадаларида эса типовой дала шийпонлари қуриляпти.

Р. КАРИМОВ.

* * *

ОХУНБОБОЕВ. Бу йил райондаги Карл Маркс номли қишлоқ хўжалик артели правлениеси янги қурилишлар учун 297 минг сўм маблағ ажратган эди. 8 йиллик мактаб, 40 дан ортиқ уй, чорвачилик бинолари ҳамда кучли электростанция қуриш учун бу пулнинг бир қисмидангина фойдаланилди.

А. МАДРАҲИМОВ.

ФУТБОЛ

120 МИНУТ, ҲИСОБ 0:0

Кеча «Пахтакор» стадионига йиғилган футбол ишқивозлари СССР кубоги учун бўлган ўйинни мароқ билан томоша қилдилар. Мамлакат биринчилигида «Б» класси бўйича қатнашаётган «Старт» (Тошкент) командаси «А» классининг «Спартак» (Москва) футболчилари билан учрашди. 120 минут давом этган курашда ҳисоб очилмай, 0:0 лигича қолди.

Бугун кеч соат 6 да командалар яна учрашадилар.

ТОШКЕНТНИ гуллар шаҳри дейишади. Бу ҳақ гап. Қайси кўчага кирманг, қайси хиёбонда бўлманг ажойиб гулларни кўрасиз. «Президент», «Тинчлик учун» ва атр гулларнинг хилма-хил навлари баҳри-дилингизни очади. Бу гулларни Шредер номли илмий-текшириш институтининг моҳир гулчилари етиштирган. СУРАТДА: гулчи Орзи ҒАФУРОВА шаҳардаги гул плантацияларининг бирида янги нав гулларни кўздан кечирмоқда.

Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СУД ЗАЛИДАН

Текинхўр кўчириб юборилди

Мамлакатимизда барча гражданларнинг меҳнат қилиши учун бутун имкониятлар яратиб берилган. Шунинг учун ҳам совет кишилари корхона, қурилиш, колхоз, совхоз ва муассасаларда баланд руҳ билан ишлаб юксак меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Аммо ҳали орамизда текинхўрларча кун кўраётган қолоқ кишилар ҳам йўқ эмас. Аснольд Васильевич Золотов ана шундай шахс. У ҳалол меҳнат қилишдан текинхўрлик билан яшашни афзал кўради. Куч-қуввати борлигига қарамай ҳеч ерда ишламасдан, хотини меҳнат қилиб топган даромад ҳисобига кун кечириб келган.

Яқинда Золотовнинг ишламай тишлаётгани Бўстонлиқ район халқ суди мажлисида кўрилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамият учун зарарли текинхўрларча кун кўрувчи шахсларга қарши курашиш ҳақида»ги тўғрисида»ги Фармонига асосан А. Золотовни районлар кўчириб юборишга ҳукм қилишди. Судда ҳозир бўлганлар халқ судининг қарорини маъқуллаб кутиб олдилар.

А. ВАҲОБОВ,
Бўстонлиқ район халқ судининг секретари.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ХУШ ХАБАРЛАР

ЖОМБОЙ. Район пахта тозалаш заводи ишчилари яшайдиган посёлкада 15 ўринли касалхона қуриб ишга туширилди.

* * *

ТУРАҚЎРҒОН. «Ўзбекистон» колхозининг Бураматут участкасида ёзги кинотеатр, «Коммунист» ва Сталин номли колхозларда эса янги ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди.

М. РАҲИМОВ,
А. АБДУЛЛАЕВ.

* * *

ХЎЖАОБОД. Ширмонбулоқ қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозининг далачилик бригадалари тўла-тўкис телефонлаштирилгани артель маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Т. ЖАЛОЛОВ.

* * *

КАТТАҚЎРҒОН. Беш мингдан ортиқ хонадон яшайдиган Қорадарё қишлоғи тўла радиолаштирилди. Юқори вольтли электр линиясидан ток олиш мақсадида қурилган подстанция эса тез кун ичида ишга туширилади.

М. ЖАЛИЛОВ.

СЕНТОНИНГ АГРЕССИВ ПЛАНЛАРИ ФОШ ҚИЛИНДИ

МОСКВА, 18 август. (ТАСС). Бугун чет эл телеграф агентликлари ва газеталарининг, радио ва телевидениенинг мухбирлари ҳамда совет журналистлари СЕНТО-нинг мутлақо махфий ҳужжатларининг фотокопиялари билан танишдилар. Бу ҳужжатлар СЕНТО агрессив блокининг ташкилотчилари ядро уруши тайёрлаётганликларини фош қилади.

Бу ҳужжатлар ТАСС нинг бугунги баёнотида айтиб ўтилди.

Ҳужжатларнинг фотокопиялари ва атом зарбалари бермоқ учун мўлжаллаб қўйилган жойларнинг шу ҳужжатларга асосланиб чизилган харитаси ТАСС биносида кўргазмага қўйилган.

Совет матбуотининг, чет эл матбуоти ва радиосининг жуда кўп вакиллари шу кўргазмани кўриш учун келишди.

СЕНТО нинг мутлақо махфий ҳужжатлари аён бўлиб қолди. Бу ҳужжатлар ўзини мудофаа ташкилоти деб кўрсатишга уриниб юрган СЕНТО нинг агрессив планларини ва бу планлар СЕНТО-да қатнашувчи мамлакатлар аҳолисининг ўзини қиришга қаратилган планлар эканлигини зўр куч билан фош қилади.

Мазкур ҳужжатларнинг авторлари Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар мамлакатларга қарши ядро уруши бошлаш планларидан ташқари, АҚШ ва Англиянинг рухсати билан (гўё совет қуролли кучлари берадиган жавоб зарбаси йўлида «тўсиқ» вужудга келтириш мақсадида) Эрон ва Покистон территорияларини, яъни СЕНТО га аъзо бўлган мамлакатларнинг территорияларини ядро бомбалари билан бомбардимон қилиш планларини ҳам ишлаб чиққанлар. Шу мақсадда бетараф Афғонистон ва бошқа мамлакатларнинг территориясига атом зарбаси бериш планлари тузилган.

СЕНТО ҳарбий комитетининг ҳужжатларидан бирида ядро зарбалари беришнинг узил-кесил планлари «тегишли мутахассислари бўлган Қўшма Штатлар ва Бирлашган Қироллик томонидан тузилиши лозим» деб таъкидланади.

Ҳужжатлардан бирига «ядро зарбалари беришга мўлжалланган жойларни танлаш» деб ном берилган. Шу ҳужжатга қўшимча қилинган иловаларда Эрон, Покистон ва Афғонистоннинг аҳоли яшайдиган жойларининг номлари кўрсатилган. Ажал зонаси вужудга келтирмоқ учун 40 та атом бомбасини портлатиб, шу жойларни ер билан яксон қилиш планлаштирилиб қўйилган.

Мазкур ҳужжатларга асосланиб тузилган харитадан кўриниб турибдики, мана шу 40 та зарба натижасида фақат мазкур жойлардагина эмас, шу билан бирга, ўша мамлакатларга чегарадош жойларда ҳам жуда катта районлар вайрон қилинган бўлур эди ва жамийки тирик жонни қириб ташловчи радиация ичида қолган бўлур эди.

«АҚШ нинг шарҳлари» деган сарлавҳали ҳужжатдан маълум бўлишича, АҚШ штаблари бошлиқлари комитетининг раҳбарлиги шу планларни кўриб чиққан. Бу планларни маъқуллаш билангина кифояланмай, балки ўзининг тузатишларини ҳам шу планларга киритган.

Лекин Америкаиинг ҳарбий бошлиқлари ўзларига қарам бўлганларга ақл ўргатибдилар-у, аммо, бундай аҳмоқона планлар барбод бўлиши муқаррар эканлигини эсдан чиқариб қўйибдилар.

Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари Ватанимизни ҳушёр бўлиб қўриқлаб турибди ва агрессорларнинг ҳар қандай комбинациясини емириб ташламоқ учун зарур воситаларнинг ҳаммасига эга.

Шу билан бирга, бутун дунёда тинчликни таъминлаш сиёсатига содиқ бўлган Совет ҳукумати ва воқеаларнинг хатарли ривожланишига йўл қўймаслик учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқда ва кўради. Совет ҳукумати бунга эришиш мумкинлигига ишонади. Совет Иттифоқининг бу ишончи фақат ўз қудратигагина асосланмасдан, яна шу нарсага ҳам асосланадики, у, жаҳон халқларининг тинчликни сақлаш йўлида қаттиқ турганликларини ва ҳарбий ҳалокатнинг олдини олишга қодир эканликларини яхши билади.

Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи ҳарбий хавфнинг ҳамма манбаларини тугатиш учун, ҳарбий агрессив тайёргарликлар Совет Иттифоқининг жанубий чегараларида, Европа марказида, Германияда Ғарб давлатлари кўраётган ҳарбий тайёргарликлар «мудофаа» характеридаги тайёргарликлардир, деб қилаётган даъволари нақадар сохта эканлигини эълон қилинаётган ҳужжатлар яна бир марта яққол кўрсатиб берди.

Ўз-ўзидан маълумки, Совет ҳукумати ўз мудофааси учун шу фактлардан зарур хулосаларнинг ҳаммасини ўз вақтида чиқариб олди.

МЕҲНАТНИ УЛУҒЛАЙЛИК

(Рассом М. САИДОВ устахонасида)

Шу кунларда ҳар бир ижодкорнинг олий мақсади КПСС нинг яқинлашиб келаётган шонли XXII съездини меҳнат зафарлари билан кутиб олишдир.

Ўзбекистонлик рассомлар съезд муносабати билан Москвада очиладиган Бутуниттифоқ бадиий виставкада иштирок этиш учун қизғин ижодий меҳнат қилмоқдалар.

Совет кишиларининг бой маънавий қиёфаси, уларнинг ҳушчақчақ турмуши, орзуларини тасвирлаш рассом Маннон Саидов асарларининг асосий мавзуидир.

Рассомнинг кенг ва ёруғ устахонасида қанчалаб янги суратлар осиғлик турибди. Улар ичида «Аския» номли асар оригиналлиги билан диққатни ўзига жалб этади. Мазкур асарда халқ талантлари—гап усталарининг аския айтиб турган ҳолатлари жонли тасвирланади. Суратда ҳар бир аскиячининг қувноқ ва серфикр нигоҳи усталик билан кўрсатилган.

Рассом М. Саидов кўпроқ оддий кишиларни, меҳнат аҳлларини ўз асарларига қаҳрамон қилиб олади. «Дугоналар», «Хирмонда» номли картиналарида пахта далаларидаги қайноқ ҳаёт тасвирланган.

— Энг муҳими, — дейди рассом суҳбатда, — чизилаётган асарда инсон характеридаги юзик томонларни, унинг бой маънавий қиёфасини акс эттира билишдир. Бу ижодкордан катта маҳорат, қунт билан меҳнат қилишни талаб қилади...

М. Саидов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий портретини ишлар экан ана шуларга катта эътибор берганлиги кўриниб турибди. Портретда Ҳамзанинг жонли сиймоси реалистик тасвирланган. Картинада шоир ўзи ташкил қилган мактабда болаларга дарс бераётгани тасвирланган. Инқилобчи шоир асарларидан, нутқларидан талвасага тушган бой, амалдорлар синфга бостириб киришгани, болалар бу ёвуз кишиларнинг мақсади нима! — дегандай қадрли ўқитувчига ҳайрат билан тикилишгани яхши тасвирланган. Ўқитувчи жаҳолатга — ёвузларга тик қараб турибди. (Юқоридаги сурат).

Рассом М. Саидов ҳозир яна янги асарлари устида қунт билан ишламоқда.

Лариса ШОСТКО.

ТАСС БАЁНОТИ

(Боши иккинчи бетда).

СЕНТО Ҳарбий комитетининг ҳужжатида уқтириб айтиладики, зарур режалар «тегишли мутахассислари бўлган Қўшма Штатлар ва Бирлашган Қироллик томонидан тузилиши лозим».

АҚШ штабларн бошлиқлари комитетининг раҳбарлиги «ядро зарбалари бериладиган мўлжалларни танлаш» деган ҳужжатга берган ўзининг шарҳларида ядро ҳужуми қилмоқ учун мўлжалланган жойлар тўғри танланган деб маъқуллайди, буни «мақсадга мувофиқ» деб ҳисоблайди ва шундай жойларнинг бир қанчаларига нисбатан «ёппасига емириб ташлаш» методини қўлланишни таклиф қилади.

Сўнгра, АҚШ штаблари бошлиқлари комитети «мўлжалланган жойларнинг баъзиларига баҳо бермоқ учун разведкадан олинган мавжуд маълумотлар кифоя қилмайди» ва «қўшимча маълумотлар олинганидан кейин, шу мўлжалланган жойларга қўшимча баҳо берилади ва бунинг натижалари ҳақида хабар юборилади» деган фикрни айтади.

Мана шу ҳужжатларнинг ҳаммасидан Эроннинг кенг районларидаги ҳамда Покистон ва Афғонистоннинг бир қанча районларидаги аҳолини ёппасига қириб ташлашни ўз ичига олган янги агрессив планларни ишлаб чиқишда СЕНТО ташкилотчилари бўлган АҚШ ва Англиянинг юқори харбий органлари етакчи роль ўйнаганликлари очиқ кўриниб турибди. Шу нарса ҳам очиқ кўриниб турибдики, АҚШнинг ўзи ядро зарбалари беришга мўлжалланган объектларни аниқлаб берган ва шу мақсадда Совет Иттифоқи территориясига разведкачи самолётларини учирган, жосуслар юбориб турган ва юбормоқда. АҚШ ва Англиянинг ҳарбий органлари мазкур планларни тайёрлаш учун керакли ҳамма нарсаларни ўзлари ҳисоблаб чиққанлар ва шу жиноий планларнинг ҳаммасини ўзлари тасдиқлаганлар.

Ҳужжатлар СЕНТО қатнашчиси бўлган Эрон, Туркия ва Покистон сингари мамлакатлар сиёсатининг раҳбарлари жуда шармандали роль ўйнаганликларини кўрсатиб турибди.

Мисол учун Эронни олиб кўрайлик. Совет ҳукумати Эрон билан ўзининг дўстона муносабатлар ўрнатиш ишида эканлигини неча марталаб айтди ва бу йўлда зарур амалий чораларни кўрди. Шоҳ ҳукумати ҳам ўзининг Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилаш ниятида эканлигини ва Эрон территориясининг СССРга ҳужум қилмоқ учун плацдармга айлантирилишига йўл қўймаслигини қайта-қайта айтди. Эрон шоҳи СЕНТО, мудофаа «ташкилоти» деб ва «мен тирик чоғимда» Эрон территориясидан Совет Иттифоқига «хеч қандай хавф таҳдид солмайди» деб, Эрон СССРга қарши ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олган эмас ва олмайди ва Эрон шоҳи бу хусусда «солдатлик ва эр-йигитлик ваъдасини» беради, деб қайта-қайта гапирган эди.

Ҳўш, ўзини «солдат ва эр-йигит» деб ҳисоблаб юрган Эрон шоҳи энди нима деркин?

Совет кишилари Эрон, Туркия ва Покистон халқлари ва шу мамлакатлардаги мана шу авантюраларнинг ҳаммаси хавф-хатарли эканлигини англаётган арбоблар ҳушёрлик кўрсатурлар ва ўз мамлакатларининг мана шу жиноий авантюраларга тортилишига йўл қўймаслар, деб умид қилишни истайдилар.

Эълон қилинаётган ҳужжатлар асосан СЕНТОга тааллуқлидир. Бироқ бошқа агрессив ҳарбий-блоклар ҳам шундай агрессив планларни ишлаб чиққанликлари Совет ҳукумати учун махфий эмас. Эълон қилинаётган ҳужжатлар текстида СЕНТО томонидан ядро ҳужуми қилинишига мўлжаллаб қўйилган объектлар «НАТО билан» ва АҚШнинг «стратегия авиацияси билан келишиб олиниши» керак, деб айтилганлиги бечиз эмас.

НАТО мамлакатлари расмий арбобларининг ва Ғарб пропагандасининг, Европа марказида, Ғарбий Германияда Ғарб давлатлари кўраётган ҳарбий тайёргарликлар «мудофаа» характеридаги тайёргарликлардир, деб қилаётган даъволари нақадар сохта эканлигини эълон қилинаётган ҳужжатлар яна бир марта яққол кўрсатиб берди.

Ўз-ўзидан маълумки, Совет ҳукумати ўз мудофааси учун фактлардан зарур хулосаларнинг ҳаммасини ўз вақтида чиқариб олди, тотув яшаш принциплари асосида ҳамма давлатлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга ва муносабатларни яхшилашга ҳормай-толмай ҳаракат қилмоқда.

Совет ҳукумати ёппасига ва батамом куролсизланиш тўғрисида, Германия билан сулх шартномаси тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлин масаласини бартараф қилиш тўғрисида, барча ҳарбий гуруҳларни тарқатиб юбориш тўғрисида АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар билан битимга келишга интилмоқда. Шу билан бир вақтда Совет ҳукумати давлатлар ва халқларга реал хавфни кўрсатмоқ ва уларнинг ҳушёр туриб, тинчликни сергаклик билан қўриқлаб турмоқлари учун тинчлик душманларининг кирдикорларини ва халқлардан махфий равишда янги уруш тайёрлаётган одамларининг жиноий фаолиятини фош қилиб ташлашни зарур, деб ҳисоблайди.

* * *

ТАСС баёнотида айтиб ўтилган ҳарита ва ҳужжатлар бугун «Красная звезда» газетасида эълон қилинган.

Эълонлар Томошалар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 АВГУСТДА

12.00 — Физкультура билан дўстлашинг, 12.20 — Золушка номли бадиий фильм (болалар учун), 18.30 — Мультипликацион фильм (болалар учун), 18.50 — Телевизион янгиликлар, 19.10 — Концерт (Ўзбек давлат филармонияси артистлари иштирокида), 20.10 — Кун янгиликлари киножурнали, 20.20 — Яшаш учун тугилганлар номли бадиий фильм, 21.45 — Ўй нечаси (эстрада концерти).

21 АВГУСТДА

19.00 — Ёш мухбирлар репортажи рус тилида телевизион очерк), 19.25 Телевизион янгиликлар, 19.45 — Ленинград жасорати (Ленинград қаҳрамонона мудофаасининг 20 йиллиги муносабати билан Совет Армияси жангчилари учун ҳужжатли фильм), 20.45 — Узбекистон хотин-қизлари телевизион журнали.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк, Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 20/VIII да Риголетто.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 20/VIII да Гамлет.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VIII да Паранжи сирлари, 21/VIII Фарғона ҳикояси.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хотинли бўлдим — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (тонг соатларда), «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5 ва 7 да).

Эркин шамол — «ДРУЖБА» (1-залда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кеч соат 8 ярим ва 10 яримда), «ВАТАН» (кеч 7 ярим ва 10 да).

Раис — марказий ҳужумчи — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЮНОЙ номли, «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар — «УЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 ва 11 да), «ИСКРА» (кеч 9-20 минутда), «ВАТАН» (ҳар бир сеанс олдидан).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР —26334. 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри Р. 01052. Нашр. Б. 195.